

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

3-сон
(63)
2003 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

18. «Ахборот эркилиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 439–II-сон Қонуни
19. «Ахборот эркилиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги 440–II-сон қарори
20. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447–II-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

21. «Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 февралдаги ПФ–3205-сон Фармони

Учинчи бўлим

22. «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 62-сон қарори
23. «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш

- чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сон қарори
24. «Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 64-сон қарори
 25. «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори
 26. «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги 70-сон қарори
 27. «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори
 28. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дехқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 76-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

18 Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

2-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;

ахборот мулкдори — ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборотни муҳофаза этиш — ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;

ахборот ресурслари — алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соҳаси — субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

ахборот борасидаги хавфсизлик — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг химояланганлик ҳолати;

ахборот эгаси — қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

махфий ахборот — фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ҳужжатлаштирилган ахборот;

оммавий ахборот — чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

4-модда. Ахборот эркинлиги

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари

Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир.

6-модда. Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги

Ахборот очиқ ва ошқора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мустасно.

Махфий ахборотга қўйидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиқ фондларидаги мавжуд маълумотлар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

7-модда. Ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонийлиги

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Ахборот эркинлиги кафолатлари

Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йўл қўйилмайди.

9-модда. Ахборот олиш тартиби

Ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юримдик шахсларнинг эса реквизитлари) ҳамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Сўралаётган ахборотни ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаган тақдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Сўралаётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

сўралаётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

сўралаётган ахборот тақдим этиладиган сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Ахборот берганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

10-модда. Ахборот беришни рад этиш

Агар сўралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар этиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан

муурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак.

Махфий ахборот мулкдори, эгаси ахборотни сўраётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

11-модда. Ахборотни муҳофаза этиш

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва қафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда

ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

14-модда. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

15-модда. Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга,

ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 12 декабрь,
439–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

19 «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 12 декабрь,
440-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

20 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31–33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда) **28-моддаси** чиқариб ташлансин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) **1-моддасининг биринчи қисмидаги** «жамоа, ижара корхоналарига, хўжа-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

лик жамиятлари ва ширкатларига» деган сўзлар «хўжалик ширкатлари ва жамиятларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **6-моддасининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш:

давлат корхонасини хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантириш;

давлат мол-мулкани танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин»;

3) **7-моддаси:**

1-бандининг биринчи қисмидаги «Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Буюртма оммавий мулк объектларини тасарруф этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади»;

4) **11-моддаси** чиқариб ташлансин;

5) **14-моддасининг 2-бандидаги, 15-моддасининг 1-бандидаги ва 17-моддасининг 2-бандидаги** «Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонунининг Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда):

1) **2-моддасининг биринчи қисмидаги** «бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш» деган сўзлар «ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-моддаси** қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар»;

тўртинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **6-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш»;

учинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **13-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини олиш»;

5) **16-моддасининг «б» банди** «айни бир пайтнинг ўзида» деган сўзлардан олдин «шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботлар тузиш учун жавобгар бўладиган шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

6) **23-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда»;

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда;

суднинг қарорига кўра»;

7) **24-моддасининг биринчи қисми:**

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суднинг қарорига кўра»;

8) **25-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлик»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **27-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторларнинг таълим дастурларини ва аудиторлик малака сертификатини олиш ҳуқуқига доир малака имтиҳонларини топшириш тартибини ишлаб чиқишда».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) **5-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга фақат жамият устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.

Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) **144-моддасининг биринчи қисмидаги** «ғайриқонуний рад этиш» деган сўзлар «асоссиз рад этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда):

1) **128-моддаси:**

иккинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни содир этиш»;

Ўзбекча матнининг тўртинчи қисми санкциясидаги «олти ойгача» деган сўзлар «олти ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **215-моддаси:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «етти бараваридан ўн икки бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **337-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти суд ижрочилари ҳудудий бўлимлари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижроси томонидан ижро этилади».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда) **16-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Конституциявий суднинг судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек ҳибсга олиниши мумкин эмас».

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда):

1) **2-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк ўз балансида акс этирилган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилишга ҳақли»;

2) **3-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш»;

3) **11-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Марказий банкнинг чет эл валютаси курсининг ёки қимматбаҳо металллар қийматининг ўзгариши натижасида олтин-валюта резервларини қайта баҳолашдан ҳосил бўладиган реализация қилинмаган даромадлари ва харажатлари олтин-валюта резервларига оид операциялар бўйича қайта баҳолаш фондига киради»;

иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «фондлар ва мажбурий резервлар» деган сўзлар «аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фондлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди»;

учинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар учун иқтисодий нормативларни ва кредит уюшмалари ҳамда гаровхоналар учун молиявий операциялар ўтказиш қоидаларини тасдиқлайди, шунингдек уларга рия этилишини кўриб чиқади»;

банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни чақириб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолияти, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариш лицензияланишини амалга оширади»;

5) **24-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Монетар кўрсаткичлар ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари

Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча монетар кўрсаткичлар ўзгаришларининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин»;

6) **27-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Марказий банк операциялари бўйича фоиз ставкалари

Марказий банк ўз операциялари бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилайди»;

7) **30-моддаси биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «уч ойгача бўлган муддатга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **31-моддаси** «Миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Фавкуллода вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **32-моддасининг:**

биринчи қисмидаги «расмий пул бирлигини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «расмий пул» деган сўзлар «пул» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **39-моддасининг биринчи қисмидаги** «улар ўрнига албатта тенг ҳажмдаги банкнот ва тангалар чиқарган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **46-моддаси** «пул маблағларини» деган сўзлардан кейин «ва валюта қимматликларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **48-моддасининг биринчи** қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредитлар ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда ушбу Қонун 30-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ва бир йил ичида қиймати тўланадиган активлар гаровга қўйилиши шарти билан берилади»;

13) **VIII бўлимининг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VIII. Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш»;

14) **50-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50-модда. Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, шунингдек банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, шунингдек банклар, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади. Берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши керак»;

15) 51-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банк:

банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни;

молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларни;

фаолият ва операцияларни амалга ошириш юзасидан гаровхоналар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк:

банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ҳамда олиш;

олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

банклар ва кредит уюшмаларининг, уларнинг филиаллари ва улар билан узвий боғланган шахсларнинг, шунингдек гаровхоналарнинг фаолиятини текшириш, қоидабузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банкларнинг ички аудитига доир талабларни белгилаш;

банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш;

ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш;

банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

банк акциядорлари устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор-

дан ортиқроқ қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ҳамда обрў-эътибори ҳақида ахборот сўраш ва олиш;

банкларнинг ва улар филиалларининг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда бош бухгалтерларига, кредит уюшмалари ижро органларининг раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиш»;

16) **53-моддаси:**

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси «ёки унинг филиали раҳбарларини» деган сўзлардан кейин «шу жумладан банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит уюшмалари, гаровхоналар, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

17) **54-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54-модда. Халқаро ҳамкорлик

Марказий банк халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг марказий банклари ҳамда банк назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорлик қилади ва ахборот айирбошлайди».

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 267-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда):

1) **4-моддасининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) суднинг қарорига мувофиқ — солиқлар ва давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлар бўйича»;

2) **8-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича ундирувни қарздор корхонанинг мол-мулкига қаратиш солиқ органининг аризаси асосида суд томонидан амалга оширилади».

X. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият қўрсатиш механизми тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 56-модда) **22-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкилий йўсинда йўлга қўйилган бозорда олди-сотди битимлари тузиш чоғида битим тузиш ва унга оид ҳисоб-китоблар санаси ўртасидаги вақт қимматли қоғозлар ким ошди савдосининг ташкилотчиси қоидалари, бошқа ҳолларда эса олди-сотди шартномалари асосида белгиланади. Белгиланган муддатлар бузилган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва сотувчига етказилган зарар учун харидор айбдор эканлиги аниқланса, унинг жавобгарлигига сабаб бўлади».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги иккинчи ва учинчи жумлалар** чиқариб ташлансин.

ХII. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Ноширлик фаолияти тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 137-модда):

1) **5, 6 ва 7-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Ноширлик фаолияти мониторинги ва назорати

Нашриётларнинг (ноширларнинг) ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари мониторинги, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари устидан назорат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-модда. Ноширлик фаолиятини лицензиялаш

Юридик ва жисмоний шахслар ноширлик фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-модда. Лицензиялар беришда ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришда давлат божларининг имтиёзли миқдорлари

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, норматив маълумотномалар, фан ва техникага оид адабиётни нашрга тайёрлаш ва уларни нашр этиш учун лицензия берганлик ҳамда лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божларининг имтиёзли миқдорлари белгиланиши мумкин»;

2) **9-моддасининг бешинчи хатбошиси** «ўз маҳсулотини реализация қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **15-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ноширлик фаолияти лицензия белгиланган тартибда бекор қилинганда ёки унинг амал қилиши тугатилганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади».

ХIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрь ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда):

1) **587-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топширигига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади»;

2) **589-моддасининг:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади»;

тўртинчи қисмидаги «ишлаб чиқарувчига», «ишлаб чиқарувчи» деган сўзлар тегишли келишикдаги «сотувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **590-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бе-

риш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади»;

4) 595-моддаси:

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли»;

5) 597-моддасининг:

биринчи қисмидаги «фойдаланувчи» деган сўз «лизинг олувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин»;

тўртинчи қисмидаги «мунтазам тўловларни» деган сўз «лизинг тўловларини» деган сўз билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сонларга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4–5, 74-модда, № 9, 165-модда):

1) 7-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар қиради:

1) мол-мулк солиғи;

ер солиғи;

инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим»;

2) 8-моддасининг еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Савдо корхоналари (чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи тушумдан (товар обороти ҳажмидан) бюджетга ягона солиқ тўлайдилар. Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар қатъий белгиланган даромаддан бюджетга ягона солиқ тўлайдилар. Ялпи тушумдан ягона солиқни ва қатъий белгиланган даромаддан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш тартиби ва уларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) 17-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи банди «ижарага» деган сўздан кейин «(лизингга)» деган сўз билан тўлдирилсин;

4) 19-моддасининг биринчи қисми:

олтинчи хатбошисидаги «(лизинг тўлови)» деган сўзлар чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи — ўн саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;

лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммалари»;

ўн олтинчи хатбошиси тегишинча **ўн тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

5) **30-моддасининг жадвалидаги тўртинчи хатбоши** «ижарадан» деган сўздан кейин «(лизингдан)» деган сўз билан тўлдирилсин;

6) **31-моддаси биринчи қисмининг 1, 10, 12, 20, 22-бандлари** чиқариб ташлансин;

7) **32-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

8) **38-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олганда ҳамда уни лизинг шартномасида белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига берганда лизинг (молиявий ижара) деб ҳисобланади. Бунда ижара муддати ўн икки ойдан ортиқ бўлиши ва лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши лозим:

лизинг шартномасининг муддати тугагач, асосий воситалар лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса;

лизинг олувчи асосий воситаларни уларнинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кундаги асосий воситалар қиймати асос бўлади;

ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

лизинг шартномасининг бутун даври учун лизинг тўловларининг жорий суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса»;

9) **43-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йилнинг ҳисобот чорагида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпроқ миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 15-кунига қадар йилнинг чораги бўйича даромад (фойда) солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлайди»;

10) 55-моддаси биринчи қисмининг жадвали қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 32 фоизи

11) **58-моддасининг «г» банди** чиқариб ташлансин;

12) **63-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ёлланиб ишлайдиганларга меҳнат ҳақи тарзида ҳисоблаб чиқарилган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар, шунингдек бу даромадларнинг солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар солиқ органларига тақдим этиши»;

13) **66-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилувчи юридик шахслар, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун товарларни божсиз олиб кириш нормаларидан ортиқча олиб келувчи жисмоний шахслар импорт қилинаётган ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади»;

14) **71-моддаси:**

11-бандидаги иккинчи жумла, 25, 27, 29, 33, 40-бандлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **44, 45, 46-бандлар** билан тўлдирилсин:

«44) китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув ашёлари ва кўرғазмали қўлланмалари, дори-дармон воситалари ва тиббий маҳсулотларни улгуржи реализация қилиш;

45) мол-мулкни лизингга берганлик учун лизинг тўловлари;

46) лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда»;

15) **78-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тамом бўлган ойда солиқ бўйича тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ортиб кетган солиқ тўловчи охириги ойлик ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бир қисми миқдоридан жорий тўловлар (ҳисобот ойининг 20-кунига қадар ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар) тўлайди, реализация бўйича амалдаги оборотлардан келиб чиқиб ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар қайта ҳисоб-китоб қилади»;

16) **90-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар учун асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади»;

17) **92-моддасининг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қилиш муддатига»;

иккинчи қисмининг олтинчи ва тўққизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулки жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин»;

18) **102-моддаси биринчи қисмининг 7-9-бандлари** ва **учинчи қисмининг 10-банди** чиқариб ташлансин;

19) **104-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар ер солиғини тенг улушларда икки муддатда — 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар»;

20) **108-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

21) **111-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«111-модда. Солиқ солиш объекти

Мавсумнинг ишлаб чиқариш чикимлари ва харажатлари солиқ солиш объекти ҳисобланади, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бундан мустасно»;

22) **116** ва **117-моддалари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«116-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

117-модда. Солиқ солиш объекти

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг жами ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади»;

23) **120-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаб чиқарадилар ва солиқ тўлаш учун белгиланган муддатда солиқ органларига солиқ суммаси бўйича ҳисоб-китоб тақдим этадилар»;

24) **121-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорайдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўлайдилар».

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда».

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 82-модда):

1) **5-моддаси биринчи қисмининг 5-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5) савдо, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш»;

2) **7-моддаси тўртинчи қисмининг 5-банди** чиқариб ташлансин.

XVII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) **195-моддасининг биринчи қисми** «шикоят қилиш муддати ўтганидан кейин» деган сўзлардан кейин «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XVIII. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова) **17-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

ХІХ. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда) **6-моддасининг олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

ХХ. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 172-модда):

1) **10-моддаси иккинчи хатбошисидаги** «чиқарилган» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **18-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«депонентлар ҳисоб варақлари бўйича операцияларни фақат депонентларнинг ёки улар ишончли вакилларининг белгиланган шаклдаги топшириқлари асосида амалга ошириш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

ХХІ. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Лизинг тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда):

1) **2-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши керак:

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нарҳда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса»;

2) **3-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас»;

3) **4-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг объекти лизинг олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинган тақдирда, аниқ лизинг объектига нисбатан лизинг берувчининг кредитори ва лизинг олувчи бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди»;

4) **5-моддасининг:**

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**5-модда. Лизинг шакллари**»;

биринчи — учинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

5) **7-моддасининг:**

биринчи қисмидаги «Молиявий» деган сўз чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

6) **8-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир»;

7) **9-моддасининг:**

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси:

шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра;

мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим»;

учинчи қисми қўйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши»;

тўртинчи қисми иккинчи хатбошисидаги «(молиявий лизингда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **11-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш»;

9) **12-моддаси:**

биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловлари тўлашни кечиктириш, етказиб бериладиган лизинг объектдан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш;

лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи илгари аванс сифатида тўлаган тўловларни лизинг объектдан фойдаланишдан олинган фойданинг қийматини чегириб ташлаган ҳолда, қайтариб беришни талаб қилиш»;

иккинчи қисми «лизинг тўловлари қолдигини» деган сўзлардан кейин «лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **15-моддасининг:**

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

11) **16-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин»;

12) **21-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг берувчи лизинг олувчининг олдиндан розилигини олмай туриб, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас»;

13) **22-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади»;

14) **23-моддасининг номи ва матнидаги** «ундириш» деган сўзлар «талаб қилиб олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **24-моддасининг:**

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

XXII. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда):

1) **3-моддаси** қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**махсус ваколатли органлар** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатларга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи органлар»;

2) **12-моддасининг биринчи қисмидаги** «гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади)» деган сўзлар «махсус ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XXIII. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 223-модда):

1) **6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида таклифлар киритади»;

2) **8-моддасининг тўртинчи хатбошиси** «хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

3) **12-моддаси** чиқариб ташлансин.

XXIV. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда):

1) **20-моддаси:**

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Лицензияланадиган фаолиятни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги талабларни бузган ҳолда амалга ошириш фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади»;

2) **22-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

XXV. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 11-12, 222-модда; 2002 йил, № 6-7, 105-модда) **1-иловасининг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, шунингдек ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 13 декабрь,
447-II-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

21 Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида

Улгуржи савдони ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва шу асосда ички истеъмол бозорининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан янада тўлиқроқ тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Улгуржи савдо корхоналари қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилинсин.
2. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ–3076-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 февраль,
ПФ–3205-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

22 Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички истеъмол бозорини янада тўлароқ тўлдириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг республика минтақавий бозорларига кириб боришига кўмаклашиш, улгуржи савдо корхоналарининг ҳудудлар бўйича бир текис жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг янгидан ташкил этилаётган ва моддий-техника базасига эга ҳамда устав фонди миқдори белгиланган тартибга мувофиқ бўлган, молиявий жиҳатдан барқарор мавжуд улгуржи савдо корхоналари негизида республикада ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг улгуржи савдо тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган улгуржи базаларининг тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари 2003 йилнинг I чорагида ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига киритилган улгуржи савдо корхоналарининг фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар улгуржи савдо корхоналарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳудудида улгуржи савдо корхонаси фаолият кўрсатаётган минтақанинг истеъмол бозори конъюнктурасини ўрганиш ҳамда саноат корхоналарига тегишли ассортиментда, сифатда ва ўраб-жойланган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

харид талаби хусусиятидан, минтақанинг муайян ассортиментдаги товарларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда истеъмол бозорини халқ истеъмол товарлари билан тўлдириш ҳамда аҳолини улар билан ҳудудлар бўйича бир текис таъминлаш дастурини шакллантириш;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ва турларни келишиб олиш, товарларни ўз омборларига ўз вақтида ташиб келтириш, чакана савдо тармоғи корхоналарини товарлар билан бир маромда таъминлаш учун кенг ва барқарор ассортиментдаги товарларнинг зарур захираларини яратиш;

улгуржи савдога келадиган истеъмол товарлари сифати устидан чакана савдо тармоғига паст сифатли товарларнинг кириб келиши имкониятини бартараф этувчи назоратни ташкил этиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига, шунингдек кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тузилган шартномалар ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли асосида истеъмол товарларини улгуржи сотишни амалга ошириш;

чакана савдо корхоналарига савдони ривожлантиришда кўмаклашиш, улар учун товарларни омборлардан танлаб олиш ва харид қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

улгуржи ярмаркаларнинг истеъмол товарларини кейинги йил учун сотиш ишларида қатнашиш ва тегишли минтақанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда товарлар харид қилиш, республика минтақаларида халқ истеъмол товарлари савдоси бўйича мавсумий ярмаркалар ташкил этиш юзасидан шартномалар тузиш.

4. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари улгуржи савдо корхоналарига истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар билан оқилона, узок муддатли хўжалик алоқалари ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказсинлар, улар асосида саноат корхоналарига аҳоли кўплаб талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқариш тўғрисида асосланган таклифлар берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимларида ташкил этилаётган улгуржи базаларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун Комплексга кирувчи тармоқларнинг бўш маблағлари ҳисобига ресурслар кидириб топсин.

6. «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг «Қорақалпоқтутину» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияларидан 2-иловада кўрсатилган улгуржи базалар акцияларининг уларга тегишли пакетларини белгиланган тартибда компанияга бериши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарорига 2-илованинг 4-банди 2003 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 февраль,
62-сон

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси улгуржи базалари ТУЗИЛМАСИ

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси													
Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент ш.
«Қорақалпоқ гўшт сут савдо» ОАЖ	«Андижон гўшт сут савдо» ОАЖ	«Бухоро гўшт сут савдо» ОАЖ	«Жиззах гўшт сут савдо» ОТАЖ	«Қашқадарё гўшт сут савдо» ОАЖ	«Навоийнозиқ-овқатсавдо» ШХЖ	«Наманган гўшт сут савдо» ОАЖ	«Самарқанд гўшт сут савдо» ОАЖ	«Термиз гўшт сут савдо» ОАЖ	«Сирдарё гўшт сут савдо» ОАЖ	«Чирчиқ гўшт сутсавдо» ОАЖ	«Фарғона гўшт сут савдо» ОАЖ	«Хоразм гўшт сут савдо» ОАЖ	«Тошкент гўшт сут савдо» ОАЖ
Нукус «Маданий моллар» МЧЖ универсал базаси	«Андижонгазмол АНД» АЖ универсал базаси	«Бухорогазмол» СИЧК универсал базаси	Жиззах «Кийим» АЖ универсал базаси	Қарши «Тижорат» савдо МЧЖ универсал базаси	Навоий универсал базаси	«Намангангазмол» ОАЖ универсал базаси	Самарқанд «Маданий товарлар» ОАЖ универсал базаси	«Термиз шербат» ШХЖ универсал базаси	Енгил саноат ноозиқ-овқат товарлари ва буюмлари савдоси учун «Туркистон С-РОСС-Фахрий савдо базаси омбор биноларини ижарага олиш	«Олмалиқ гўшт сут савдо» ОАЖ «Бекобод гўшт сут савдо» ОАЖ «Ангрен гўшт сут савдо» ОАЖ	«Кўқонозиқ-овқат савдо» ШХЖ «Кўқон хўжалиқмоллари» МЧЖ универсал базаси	Урганч универсал савдо базаси	«Марказнозиқ-овқат савдо» ШХЖ «Баққолик» ОАЖ «Жиҳоз» АЖ универсал базаси «Газмол» ОАЖ универсал базаси «Пойфизал» АЖ универсал базаси
Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 2	Жами 1	Жами 4	Жами 3	Жами 2	Жами 6

*Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чакана савдо корхоналарига хизмат кўрсатади.

**«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси улгуржи базалари
ТУЗИЛМАСИ**

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси													
Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қаңсақларё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
«Хўжайли универсал улгуржи-савдо базаси	«Андижон универсал улгуржи-савдо базаси	«Намуна савдо» универсал улгуржи-савдо базаси	«Олга Матлубот савдо» универсал улгуржи-савдо базаси	Қарши универсал улгуржи-савдо базаси	Навоий универсал улгуржи-савдо базаси	«Наманган универсал улгуржи-савдо базаси	Жомбой универсал улгуржи-савдо базаси	Денов туманлараро универсал улгуржи-савдо базаси	Сирдарё туманлараро универсал улгуржи-савдо базаси	Тўйтепа универсал улгуржи-савдо базаси	«Нодирмат» универсал улгуржи-савдо базаси	«Хоразмсар-бон» универсал улгуржи-савдо базаси	«Ўзматлубот-савдо» универсал улгуржи-савдо базаси
Тўртқул универсал улгуржи-савдо базаси	«Андижон хўжалик маданий товарлар базаси	«Озиқ-овқат» универсал улгуржи-савдо базаси	«Фалдорол» универсал улгуржи-савдо базаси	Шахрисабз туманлараро универсал улгуржи-савдо базаси	Қизилтепа универсал улгуржи-савдо базаси	«Норин» универсал улгуржи-савдо базаси	«Санжар Каттақўрғон» универсал улгуржи-савдо базаси	Шўрчи универсал улгуржи-савдо базаси	Янгиер универсал улгуржи-савдо базаси	«Олмазор» универсал улгуржи-савдо базаси	«Фурқат Б.Т.» универсал улгуржи-савдо базаси	Ҳонқа универсал улгуржи-савдо базаси	«РУСБ» универсал улгуржи-савдо базаси
Кўнгирот универсал улгуржи-савдо базаси	Пахтаобод универсал улгуржи-савдо базаси	Бухоро универсал улгуржи-савдо базаси	Қамаши туманлараро универсал улгуржи-савдо базаси	Муборак туманлараро универсал улгуржи-савдо базаси	Чортоқ туман универсал улгуржи-савдо базаси	Термиз универсал улгуржи-савдо базаси	«Бекобод» универсал улгуржи-савдо базаси	«Навбахор» универсал улгуржи-савдо базаси	«Қўқонматлубот савдо» универсал улгуржи-савдо базаси	Хива универсал улгуржи-савдо базаси	«Матлубот-инвестмент» универсал улгуржи-савдо базаси		
Жами 3	Жами 3	Жами 3	Жами 2	Жами 4	Жами 2	Жами 3	Жами 2	Жами 3	Жами 2	Жами 3	Жами 4	Жами 3	Жами 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

23 Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизми такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул массаси устидан самарали назорат қилинишини таъминлаш, пул агрегатларини тартибга солишнинг замонавий усулларини амалиётга кенг жорий этиш, банк тизимига ишончни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Касса режаларини шакллантириш ҳамда нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари бажарилганлиги учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантиришнинг шаклланган тизими 2003 йил 1 февралдан бошлаб бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қуйидагиларни назарда тутувчи пул агрегатларини бошқаришнинг янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

пул массаси устидан самарали назорат қилишни таъминлаш имконини берувчи пул агрегатлари, банк тизимининг ликвидлигининг ва пулга бўлган талабнинг факторлар бўйича таҳлили ва динамикасини моделлаштириш;

захира пуллар ва пул массаси ўзгаришининг чораклик ва йиллик мақсадли прогнозларини ишлаб чиқиш;

тижорат банкларининг ликвидлигини қисқа муддатли тартибга солишнинг бозор воситаларидан, шу жумладан фонз ставкаларини ва мажбурий захиралар нормасини бошқаришдан, валюта депозитлари гарови, давлат қимматли қоғозлари ва бошқа биринчи классли активлар остида кредитлар бериш ва уларни жалб қилишдан кенг фойдаланиш.

Пул агрегатлари прогнозини моделлаштириш схемаси иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

пул агрегатлари ҳажмлари ва таркиби ўзгариши, пул бозорининг ҳолати ҳамда захира пуллар ва пул массаси ўзгаришининг мақсадли прогнозлари бажарилиши устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

пул агрегатлари ўзгариши динамикаси ва тенденциялари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сон қарори ва «Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» 1996 йил 12 сентябрдаги 315-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 февраль,
63-сон

* Илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

24 Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2003 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 11 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 11 февраль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 февраль,
64-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

25 Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси биржа фаолиятини (валюта биржалари фаолияти бундан мустасно) тартибга солувчи ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

2. Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси биржа фаолиятини амалга ошираётган ташкилотларни 2003 йил 1 апрелгача мазкур қарор талабларига мувофиқ лицензияласин.

Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 апрелгача тегишли лицензия олмаган биржалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси икки ҳафта муддатда лицензиялар бериш юзасидан ҳулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссия тўғрисидаги низомни ҳамда эксперт комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати тузилмасида ходимларнинг белгиланган сони доирасида ходимларининг чекланган сони

3 нафардан иборат Биржа фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими ташкил этилсин, унга қуйидаги функциялар юклансин:

лицензия талабгорларининг аризаларини қабул қилиш, лицензияларни расмийлаштириш ва бериш, лицензия битимлари тузиш;

биржа фаолияти мониторингини олиб бориш;

биржалар томонидан биржа фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, биржа савдолари қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Биржа фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими фаолиятини маблағ билан таъминлаш биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун ундириладиган йиғимлар, Давлат мулки қўмитаси томонидан «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ундириладиган жарималарнинг 15 фоизи миқдоридаги маблағлар ва етмаган қисми хусусийлаштиришдан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 февраль,
66-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарорига
ИЛОВА

Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биржа фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши валюта биржалари фаолиятига татбиқ этилмайди.

2. Биржа фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади (кейинги ўринларда матнда «лицензияловчи орган» деб юритилади).

3. Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, лицензиялар муддатини узайтириш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси тўғрисидаги низом ва комиссиянинг таркиби лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси мажлиси бир ойда камида бир марта ўтказилади.

4. Биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Биржа фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган лицензиянинг амал қилиш муддати — 5 йил. Лицензия талабгорнинг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қўйидагилар биржа фаолиятини амалга оширишда биржа талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) биржа фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

б) электрон биржа савдо тизими мавжудлиги;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав фондининг энг кам миқдори бўйича талабларга мувофиқлик;

г) тузилган биржа битишувлари бажарилишининг кафолатланиши тизими мавжудлиги;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

е) биржа савдоси қоидаларида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан бериладиган биржа савдосининг профессионал қатнашчилари шаходатномасига эга бўлган биржа аъзолари ва (ёки) уларнинг вакилларининг биржа савдоларига қўйилиши (фонд биржаларидан ташқари);

инвестиция институтлари сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган биржа аъзоларининг фонд биржасида биржа савдоларига қўйилиши;

биржа товарларини муомалага қўйиш ва муомаладан чиқариш тартиботлари;

биржа товарларига нархлар котировкаси ва улар тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби;

биржада нархлар билан манипуляция қилиш ва махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланишнинг олди олиниши тўғрисидаги қоидалар мавжудлиги;

ж) биржа бюллетенига киритилган биржа товарлари билан савдо қилишни ташкил этиш;

з) филиаллар мавжуд бўлган тақдирда, биржанинг барча аъзоларига ушбу савдоларда бир вақтнинг ўзида қатнашиш имкониятини берган ҳолда, марказлаштирилган биржа савдолари ўтказиш;

и) биржа товарларига талаб ва таклиф нисбати асосида уларга котировкани амалга ошириш;

к) ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш;

л) лицензияловчи органнинг талабига кўра биржа фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш.

III. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

7. Биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами — юридик шахс учун;

лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда кўрсатилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

б) лицензия талабгорининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия талабгори жойлашган жойдаги солиқ органи томонидан тасдиқлан-

ган охириги ҳисобот санасидаги бухгалтерия баланси нусхаси (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);

г) ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати;

д) биржа товарлари билан савдо қилиш қоидалари нусхаси;

е) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг лицензия талабгори томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги хулосаси (фонд биржалари ва бошқа биржаларнинг фонд бўлими учун).

Лицензия талабгоридан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг таркибий бўлинмаси (Биржа фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими) масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

9. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Биржа фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

11. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

12. Барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси улар олинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия ариза олинган кундан бошлаб йиғирма кундан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

13. Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилади.

14. Лицензияловчи орган томонидан лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорда йиғим ундирилади, йиғим лицензияловчи ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

16. Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Лицензия битимида қўйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилган фаолият турининг номи;

лицензияга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби;

Мазкур Низомга мувофиқ бошқа маълумотлар.

Лицензия битими икки нусхада тузилади, бир нусхаси лицензияловчи органда қолади, иккинчиси эса лицензия билан биргаликда лицензияга берилди.

17. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкаси намунаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари лицензияловчи орган буюртмаси бўйича босма ҳолатда «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Биржа фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими раҳбари лицензия бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

18. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилди.

19. Агар лицензия талабгори лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмасан лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

20. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

21. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

22. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, лицензияловчи орган томонидан ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссияси хулосаси асосида уч кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

23. Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

24. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

25. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

26. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

27. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

28. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

29. Лицензиат томонидан лицензия шартлари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш лицензияловчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

31. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

32. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22–24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

33. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи органнинг қарори суд томонидан асоссиз деб эътироф этилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиат олдида унинг кўрган зарари миқдоридида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

34. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади. Лицензиялар реестрида куйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

муассисларнинг устав сармоясидаги улушлари тўғрисидаги маълумотлар;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва амал қилишини тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

35. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар манфаатдор шахсларнинг улар

билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва уларнинг ёзма сўровига мувофиқ реестрдан кўчирма тарзида берилиши мумкин.

36. Лицензиялар реестридан бир лицензиатга нисбатан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текин берилади.

37. Реестрдан маълумот берилганлиги учун тўлов лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

38. Реестрдан маълумот бериш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги керак (маълумот берилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда).


IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлаш

39. Биржа фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

40. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Биржа фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Биржа фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING ҚARORI

26 «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий кадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Обод маҳалла йили» дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур дастур:

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;

маҳалла фаолиятининг амалдаги меъерий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий кадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.

3. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Рес-

* Илова берилмайди.

публикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Обод маҳалла йили» дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача Республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда тўй-маърака ва бошқа маросимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситаларига «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни ҳолис ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 7 февраль,
70-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

27 **Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кўрсатиб ўтилган қоидаларни барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига етказсинлар, шунингдек аҳолини белгиланган тартибда хабардор қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 13 февраль,
75-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чакана савдони тартибга солади.

Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши савдо расталари ва бозорлардаги савдо ўринлари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар:

чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун белгиланган тартибда рухсатномалар олган юридик шахслар;

савдо қилиш ҳуқуқи учун белгиланган тартибда рухсатнома олган, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар.

Чакана савдо қилишга рухсатномани бериш, олиб қўйиш ва унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган.

II. Асосий тушунчалар ва атамалар

3. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

чакана савдо — савдо соҳасида пировард истеъмолчи учун, тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига нақд пулга доналаб ёки унча кўп бўлмаган миқдорда товарлар сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш;

воситачилик савдоси — чакана савдо фаолиятининг воситачилар томонидан воситачилик шартномалари бўйича сотиш учун уларга берилган товарлар сотилишини назарда тутувчи тури;

савдо объекти — мулкчилик шаклларида, сотув ҳажмидан, иншоотнинг ўлча-

мидан ва ҳоказолардан қатъи назар, товарлар ва хизматларни сотишга мўлжалланган (мослаштирилган) жой ёки иншоот.

Чакана савдонинг савдо объектларига қўйидагилар тегишлидир: бозор, гипермаркет, супермаркет, савдо маркази, савдо комплекси, универсам, универмаг, минимаркет, озиқ-овқатлар дўкони, ихтисослаштирилган дўконлар, палаткалар, лотоклар, автодўконлар, павильонлар, киоскалар, ларёклар.

Савдо объектлари турғун ва кўчма объектларга бўлинади.

турғун савдо шахобчалари — давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан белгиланган жойларда доимий асосда жойлашган савдо объектлари (дўконлар, киоскалар, ларёклар, павильонлар, умумий овқатланиш савдо объектлари, дорихоналар, оптика, автомобиль ёнилғиси қуйиш шахобчалари);

кўчма савдо объектлари — вақтинча жойлашган ва мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлган, шунингдек иш куни тамом бўлгандан кейин йиғиштириб олишни ва объект кўчирилишини талаб этиш асосида жойлаштирилган савдо объектлари (лотоклар, пештахталар, палаткалар, автодўконлар ва ҳоказолар);

савдо зали — товарларнинг оммавий офертасига ва/ёки товарларнинг чакана олди-сотди шартномаларини амалга оширишга мўлжалланган савдо объекти майдони;

сотувчи — савдо фаолиятини амалга оширувчи ва олди-сотди шартномасининг бир томони сифатида иш кўрувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс);

сотувчи-ходим — сотувчи номидан иш кўрувчи ва товарни бевосита сотувчи ёки истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи шахс;

чакана савдо ҳуқуқи учун рухсатнома — савдо ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигидан, савдо объекти ҳисобга қўйилганлигидан далолат берувчи ва савдо мазкур типдаги савдо объектларига қўйиладиган нормалар ва талабларга мувофиқ бўлган тақдирда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

III. Сотувчиларга, савдо объектларига ва товарларга қўйиладиган асосий талаблар

4. Сотиш учун тавсия қилинаётган товарлар ассортименти, кўрсатилаётган хизматлар турлари, шунингдек хизмат кўрсатиш шакли сотувчининг ихтисоси ва у ўз фаолиятини ихтисослаштиришига мувофиқ сотувчи томонидан мустақил белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чакана савдо шахобчасида бўлиши шарт бўлган асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари рўйхати белгиланиши мумкин, бундай чакана савдо тармоғининг жойлашиши республика туманлари ва шаҳарлари ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

5. Сотувчи ўз фаолияти ихтисоси ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда давлат стандартларида, санитария, ветеринария қоидаларида, ёнғинга қарши қоидаларда ва бошқа норматив ҳужжатларда (кейинги ўринларда матнда «стандартлар» деб юритилади) белгиланган мажбурий талабларга риоя қилиши шарт.

6. Сотувчи стандартлар талабларига мувофиқ товарларни қабул қилиб олишда, сақлашда, савдо олди тайёргарлигида ва сотиш пайтида уларнинг сифати ва хавфсизлиги савдонинг зарур шарт-шароитларини, шунингдек харидорларнинг товарларни танлаш имкониятини таъминлайдиган зарур жойлар, асбоб-ускуналар ва инвентарга эга бўлиши шарт.

7. Сотувчи қўллашга рухсат берилган ўлчов асбобларига эга бўлиши ва уларни соз ҳолатда сақлаши, уларнинг метрологик текширувини ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиши шарт.

8. Барча ўлчов воситалари, оғирликни ўлчаш приборлари «Ўзстандарт» агентлиги органларининг текшириш тўғрисидаги кўзга яққол ташланадиган ишонч тамғасига ёки гувоҳномасига эга бўлиши керак, улар белгиланган мақсадида қўлланилиши ҳамда ўлчовларнинг бирлиги ва ишончлилигини таъминлаши ҳамда тегишли паспортга эга бўлиши керак.

Носоз ва қўллашга рухсат берилмаган ўлчов воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

9. Тарозилар ва бошқа ўлчов приборлари сотувчи-ходимларнинг иш жойларида харидорлар товарни тортиш ва беришнинг бутун жараёнини кўрадиган қилиб ўрнатилиши керак. Тарозиларни пештахтанинг фасадига томон бурчак остида ўрнатиш, уларнинг олдини товарлар, дарпардалар, инвентарь ва бошқа нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

Тарозилар ҳар хил тебранишлар ва зириллашларга учрамайдиган мустаҳкам, барқарор горизонтал жойга ўрнатилади.

Савдо залларида харидорларга қулай жойда назорат тарозилари ва бошқа ўлчов приборлари ўрнатилган бўлиши керак.

10. 3 ва ундан кўп иш ўринли озиқ-овқат дўконларининг савдо залларида назорат тарозилари ўрнатилиши керак. Майдони 1500 кв.м ва ундан ортиқ бўлган савдо залларида назорат тарозилари икки жойда ўрнатилади.

11. Савдо автоматлари, дозаторлар, автосатураторлар ҳамда товарларни тортиш, дозалаш ва сотиш учун бошқа приборларни ўрнатиш ва монтаж қилиш, шунингдек ишга тайёрлаш етказиб бериш комплектига кирадиган ушбу буюмларга заводда тайёрланган ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилиши керак. Бунда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

12. Мазкур Қоидалардан тегишли кўчирмалар сотувчи томонидан кўрғазмали ва қулай шаклда харидорлар эътиборига етказилади.

13. Харидорнинг танишиши учун қулай жойларда қуйидаги маълумотлар жойлаштирилиши керак:

сотувчи — юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар — ўз корхонасининг номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили ва иш режими);

сотувчи — яқка тартибдаги тадбиркор тўғрисидаги маълумотлар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик ва рўйхатдан ўтказган органнинг номи.

Агар сотувчи амалга оширадиган фаолият лицензияланиши керак бўлса, у лицензиянинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги, шунингдек уни берган орган ҳақидаги маълумотни тақдим этиши керак.

14. Сотувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар тўғрисидаги қуйидаги зарур ва ишончли маълумотларни харидорнинг эътиборига ўз вақтида кўрғазмали ва қулай шаклда етказиши шарт:

товарнинг номи;

товарнинг штрихли коди (мавжуд бўлганда);

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

агар у аниқ бир товар учун белгиланган бўлса — кафолатли муддати;

агар улар аниқ бир товар учун белгиланган бўлса — хизмат қилиш муддати ёки яроқлилиқ муддати, шунингдек кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидор амалга ошириши керак бўлган зарур хатти-ҳаракатлар ҳақидаги ҳамда, агар товарлар кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидорнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавф туғдирса ёки фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолса, бундай ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

товарнинг нархи ва уни сотиб олиш шартлари;
уларнинг мажбурий талабларига товар мувофиқ бўлиши керак бўлган стандартларнинг белгиланиши;
товарнинг асосий истеъмол хоссалари тўғрисидаги маълумотлар (агар улар ўрамда кўрсатилмаган бўлса);
мувофиқлик сертификати.

Агар харидор томонидан сотиб олинadиган товар истеъмол қилинган бўлса ёки унинг камчилиги (камчиликлари) бартараф этилган бўлса, харидорга бу тўғрида маълумот берилиши керак.

Сотувчи харидорнинг талабига кўра:

товарни тайёрловчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили), харидорлардан эътирозларни қабул қилиб олишга ва товарни тузатувчи ва унга техник хизмат кўрсатувчи тайёрловчи (сотувчи) томонидан вакил қилинган ташкилот (ташкilotлар)нинг жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотни;

сертификатнинг асл нусхаси эгаси ёки сертификатни берган товарларни сертификатлаш бўйича орган томонидан тасдиқланган сертификатнинг нусхасини;

тайёрловчи ёки етказиб берувчи (сотувчи) томонидан зарур тарзда расмийлаштирилган товарга илова қилинадиган ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

15. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг нимталанган гўштини, ҳаёт фаолияти маҳсулотларини, улардан тайёрланган маҳсулотларни, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни сотиш, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан тайёрланган товарларни (мўйна, чарм, тикув, атторлик, декоратив, ёдгорлик буюмлари, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, доривор-техник хом ашё) сотиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ овлаш (тайёрлаш) қонунийлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси фауна ва флораси учун хос бўлмаган объектлар ва улардан тайёрланган товарлар бўйича эса — Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан берилган олиб кириш учун рухсатномалар мавжудлиги ҳам талаб этилади.

16. Сотувчи, товарлар ва уларни тайёрловчилар тўғрисидаги маълумотлар харидорлар эътиборига давлат тилида етказилади, шунингдек бошқа тилларда такрорланиши мумкин.

17. Истеъмолчига, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар, уларнинг нархлари ва хизматлар кўрсатиш шартлари, шунингдек товарларни сотишда хизмат кўрсатишнинг қўлланиладиган шакллари тўғрисида (олдиндан буюртма бериш, товарларни уйда сотиш, кредитга сотиш, газламаларни бичиш, совға ва комплектли тўпламларни комплектлаш бўйича ва бошқа шакллардаги) кўرғазмани ва ишончли ахборот тақдим этилиши керак.

18. Товарни сотишда харидорга мустақил равишда ёки сотувчи-ходимнинг ёрдамида зарур товарлар билан танишиш, тош-тарозининг тўғрилигини, унга берилган товарнинг ўлчамини текшириш имкони берилиши керак.

Харидор тавсия этилаётган товарни кўздан кечиришга, агар товарнинг хусусияти буни истисно этмаса ва мазкур Қоидалар талабларига зид бўлмаса, ўзининг ҳозирлигида унинг хоссаларини текширишни ёки унинг ҳаракатлари намойиш қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Сотувчи агар текшириш давлат стандартларининг мажбурий талабларида ёки шартнома шартларида назарда тутилган бўлса сотиш учун тавсия қилинаётган товарнинг сифатини ва хавфсизлигини (кўриб чиқиш, синов, анализ, экспертиза) текширишга мажбурдир.

19. Сотувчи томонидан сотиладиган товарларнинг нархи, шунингдек шартнома-

нинг бошқа шартлари томонларнинг келишувига кўра белгиланади, қонунларда ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгача ҳол назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

20. Сотувчи-ходим товарнинг номи, унинг сорти, маркаси, модели, типи, товарнинг оғирлиги, ўлчами ёки бирлигига нархи кўрсатилган ҳолда сотиладиган товарларнинг ягона намунадаги ва аниқ расмийлаштирилган нархномалари бўлишини таъминлашга мажбурдир.

21. Товарлар учун харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналари қўлланилган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Савдо объекти раҳбари сотувчи-ходимни назорат-касса машиналарида ишлаш қоидалари билан таништириши шарт.

22. Сотувчи томонидан харидорга касса ёки товар чеки ёхуд товарнинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилган пайтдан бошлаб, агар сотувчи билан харидор ўртасида қонунда ёки шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, чакана олди-сотди шартномаси зарур шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Чакана савдони назорат-касса машинасини қўллагандан амалга ошираётган сотувчи — яққа тартибдаги тадбиркор харидорга сотиб олинган товар билан биргаликда сотувчининг фамилияси ва имзоси, савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун берилган рухсатноманинг тартиб рақами, товар сотилган сана ва унинг қиймати кўрсатилган ҳолда квитанция ёки шунга ўхшаш ҳужжатни бериши шарт.

23. Сотувчи-ходим харидорга харид билан биргаликда касса чекини, товарларнинг айрим турларини (антиквариат буюмлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари, табиий мўйнадан тикилган буюмлар ва бошқаларни) сотишда ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товар чекини бериши шарт, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

24. Товарлар сотилиши муносабати билан сотувчи томонидан тавсия қилинадиган хизматлар фақат харидорнинг розилиги билан кўрсатилиши мумкин.

Харидор товарни сотишда тавсия этиладиган хизматларни рад этишга, шунингдек унинг розилигисиз кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммани қайтариб бериши сотувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Сотувчи айрим товарлар бошқа товарлар сотиб олинishi ёки улар сотилиши муносабати билан хизматлар кўрсатилиши шarti билан сотилишини шарт қилиб қўйишга ҳақли эмас, товарлар техник талабларга кўра тегишли мутахассисларнинг иштирокисиз йиғилиши ва (ёки) ўрнатилиши (уланиши) мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

25. Сотувчи-ходим харидорга зарур сифатга эга бўлган товарни идишда ва (ёки) ўралган ҳолда, муайян тўпламда (товарлар комплекти) ва комплектликда товарга тегишли бўлган ҳужжатлар ва анжомлар билан бирга бериши керак.

26. Сотиладиган товарнинг сифатига, идиш ва (ёки) ўраб-жойлаштирилишига, унинг комплектлиги, анжомлари ва ҳужжатларига, товарларнинг комплектига, шунингдек товарни етказиб бериш шартларига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

27. Харидор ноозик-овқат товар унга берилган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида, агар бундан узокроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, сотиб олинган товарни айнан шундай ўлчам, шакл, габарит, фасон, рангдаги ёки комплектациядаги бошқа товарга харид қилинган жойда ва сотувчи томонидан эълон

қилинган бошқа жойларда нархида тафовут бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китоб қилган ҳолда алмаштиришга ҳақлидир.

Алмаштириш учун сотувчида зарур товар бўлмаган тақдирда харидор сотиб олинган товарни сотувчига қайтаришга ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олишга ҳақлидир.

28. 27-бандда кўрсатилган харидорнинг товарни алмаштириш ёхуд қайтариш тўғрисидаги талаби, агар товар истеъмол қилинмаган бўлса, унинг товар кўриниши, истеъмол хоссалари, пломбаси, ёрлиқлари сақланган бўлса, шунингдек ушбу сотувчидан сотиб олинганининг исботи мавжуд бўлса қондирилиши керак, зарур сифатга эга бўлган, қайтарилмайдиган ёки ноозик-овқат товарлари рўйхатида кўрсатилган, ана шундай ўлчам, шакл, габарит, фасон, ранг ёки комплектациядаги бошқа товарга (мазкур Қоидаларга 1-илова) алмаштирилиши мумкин бўлмаган товарлар бундан мустасно.

29. Ўзига зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилган харидор, агар нуқсонлар сотувчи томонидан айтилмаган бўлса, ўзининг танлашига кўра сотувчидан (озик-овқат товарларига нисбатан харидор харид қилингандан кейин 24 соат мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлади):

айнан шундай маркадаги (модел, артикулдаги) товарга алмаштиришни;
харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги айнан шундай товарга алмаштиришни;
харид нархи мутаносиб равишда камайтирилишини;
товарнинг нуқсонлари дархол бепул бартараф этилишини;
товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Бунда харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганлиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Техник жиҳатдан мураккаб ёки қимматбаҳо товарнинг сифатига қўйиладиган талаблар жиддий равишда бузилган тақдирда (бартараф этилмайдиган нуқсонлар, мутаносиб харажатларсиз ёки вақт сарфисиз бартараф этиб бўлмайдиган нуқсонлар аниқланиши, нуқсонлар қайта-қайта аниқланса ёхуд бартараф этилгандан кейин қайта намоён бўлса ҳамда шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар) харидор унинг алмаштирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарнинг нуқсонлари сотувчи томонидан бартараф этилиши тўғрисида харидор томонидан талаб қўйилган ёки бундай товар алмаштирилиши талаб қилинган тақдирда, харидор бир вақтнинг ўзида тузатиш даврида ёки зарур сифатга эга бўлмаган товарни алмаштириш даврида зарур сифатга эга бўлган айнан шундай товар берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Уларга нисбатан харидорнинг тузатиш ёки алмаштириш даврида унга ана шундай товар текин берилиши тўғрисидаги талаби татбиқ этилмайдиган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар рўйхатида (мазкур Қоидаларга 2-илова) кўрсатилган товарлар бундан мустасно.

Хоссалари бартараф этиб бўлинмайдиган товарнинг нуқсонлари аниқланган тақдирда (пардоз-андоз буюмлари, маиший кимё товарлари ва бошқа товарлар), харидор ўзининг танлаши бўйича бундай товарни зарур сифатга эга бўлган товар билан алмаштиришни ёхуд харид нархи мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Кўрсатиб ўтилган талабларни тақдим этиш ўрнига, харидор сотиб олинган товарни рад этишга ва товар учун тўланган пул суммаси қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Зарур сифатга эга бўлмаган товарни алмаштириш ёки қайтаришда, харидор ўзи

сотиб олган зарур сифатга эга бўлмаган товарни сотувчининг ҳисобидан қайтариши керак.

Товар учун тўланган пул суммасини харидорга қайтаришда сотувчи товардан тўлик ёки қисман фойдаланилганлиги, унинг товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товарнинг қиймати пасайган суммани харидордан ушлаб қолишга ҳақли эмас.

30. Сотувчи-ходим ёки шартнома асосида сотувчининг функциясини бажарувчи шахс, товарнинг сифатини текшириш зарур бўлган тақдирда, зарур сифатга эга бўлмаган товарни харидордан қабул қилиб олишга мажбурдир. Харидор товарнинг сифатини текширишда қатнашишга ҳақлидир.

Товарнинг нуқсонлари пайдо бўлиши сабаблари тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда сотувчи ўз ҳисобидан товарнинг мустақил экспертизасини ўтказиши шарт. Харидор бундай экспертиза хулосаси юзасидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлидир.

31. Сотувчи томонидан харидорнинг талаблари қондирилиши муддатлари, шунингдек ушбу муддатлар бузилганлиги учун жавобгарлик «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

32. Агар нуқсонлар кафолат муддати ёки яроқлилиқ муддати мобайнида аниқланган бўлса, харидор мазкур Қоидаларнинг 29-бандида кўрсатилган товарнинг камчиликларига нисбатан талаб қўйишга ҳақлидир.

Товарнинг кафолат муддати товар харидорга сотилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товарнинг сотилган кунини аниқлаш мумкин бўлмаса, ушбу муддат товар тайёрланган кундан бошлаб ҳисобланади.

Товарнинг яроқлилиқ муддати у фойдаланишга яроқли бўлган муддат мобайнида ёки товар фойдаланишга яроқли бўлган санадан бошлаб товар тайёрланган кундан ҳисоблаб чиқиладиган давр билан белгиланади.

Агар товар йиғилиши ва (ёки) махсус ўрнатилиши (уланиши) керак бўлса, кафолат муддати у йиғилган ва (ёки) ўрнатилган (уланган) кундан бошлаб ҳисобланади. Агар йиғиш ва (ёки) ўрнатиш (улаш) кунини аниқлаш имкони бўлмаса, ушбу муддат олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Кафолат муддати олти ойдан кам этиб белгиланган ва товарнинг нуқсонлари харидор томонидан кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ товар харидорга берилган кундан бошлаб олти ой доирасида аниқланган тақдирда, агар харидор товарнинг нуқсонлари товар харидорга берилгунга қадар ёки шу пайтгача пайдо бўлган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исботласа, сотувчи жавоб беради.

33. Агар товарга кафолат муддати ёки яроқлилиқ муддати белгиланмаган бўлса, товарнинг нуқсонлари билан боғлиқ бўлган талаблар харидор томонидан нуқсонлар мақбул муддатда, бироқ товар харидорга берилган кундан бошлаб олти ой мобайнида ёхуд шартномада белгиланган узоқроқ муддат давомида аниқланиши шarti билан берилиши мумкин.

Мавсумий товарлар учун товарнинг нуқсонлари билан боғлиқ бўлган эътирозлар билдириш муддати товар харид қилинган санадан кейин тегишли мавсум бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг иқлим шароитларидан келиб чиқиб мавсумлар қуйидагичадир:

қишки мавсум — 25 ноябрь — 10 март;

баҳорги мавсум — 11 март — 14 май;

ёзги мавсум — 15 май — 15 сентябрь;

кузги мавсум — 16 сентябрь — 24 ноябрь.

34. Давлат корхонаси чакана савдо объектнинг иш режими (иш бошланиши, тамом бўлиши, тушлик танаффус, дам олиш кунлари) давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларига кўра, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги ташкилотларда эса мулкдор томонидан белгиланади. 10 иш ўринли ва ундан кўп иш ўринли савдо корхоналари, шунингдек мажбурий рўйхатда назарда тутилган товарларни сотиш бўйича жойлаштиришга киритилган корхоналар корхонанинг ёпилиши тўғрисида хабардорларни олдиндан хабардор қилишлари керак.

35. Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома, якка тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар савдо объектида туриши ҳамда назорат органларининг биринчи талаби билан кўрсатилиши керак.

36. Барча савдо объектлари уларнинг мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий текширувдан ўтказилиши керак. Текшириш савдо объекти очилганда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан бир марта ўтказилади.

IV. Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш хусусиятлари

37. Озиқ-овқат товарлари тўғрисидаги маълумотларда, мазкур Қоидаларнинг 15-бандида кўрсатилган талаблардан ташқари стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ, товарларнинг турига боғлиқ равишда:

озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирадиган ингредентларнинг номлари, шу жумладан озиқ-овқатга солинадиган қўшимча масаллиқлар;

озиқлик қиймати (маҳсулотнинг калориялилиги, оқсиллар, ёғ, углеводлар, витаминлар, микроэлементлар мавжудлиги), оғирлиги ва метрик birlikлардаги ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

қўлланиладиган соҳаси (болалар, даволаш-профилактика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва парҳез таомлар ва бошқалар учун);

тайёрлаш усуллари ва шартлари (концентратлар ва ярим тайёр маҳсулотлар учун) ва қўлланилиши (болалар, даволаш-профилактика маҳсулотлари ва парҳез таомлар учун);

мувофиқлик сертификати ёки маҳсулотнинг тайёрловчи корхоналарда сертификация қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

сақлаш шартлари (улар учун сақлаш шароитларига нисбатан мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун);

тайёрланган санаси;

касаликларнинг айрим турларида истеъмол қилиш ножоизлиги (улар тўғрисидаги маълумотда касаликларнинг айрим турларида истеъмол қилиш ножоизлиги тўғрисида маълумот бўлиши керак бўлган товарлар учун);

тамаки маҳсулотларидаги чекишнинг соғлиқ учун зарарлиги тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув бўлиши керак.

38. Товарлар савдо залига ёки сотиладиган бошқа жойга қўйилгунга қадар идишдан, ўраш ва боғлаш материалларидан, металл клипсдан олиниши керак. Товарнинг ифлос бўлган юзаси ёки қисми тозаланиши керак. Сотувчи-ходим, шунингдек товарларнинг сифатини текшириши (ташқи белгиларига қараб), уларда зарур ҳужжатлар ҳамда маълумотлар мавжудлигини текшириши, товарларни брак қилиши ва сортларга ажратиши керак.

39. Туз, шакар, ун, ёрма ва бошқа сочилувчан товарларни қадоқлаш ва сотишда алоҳида куракчалардан фойдаланилади.

40. Озиқ-овқат товарларини витринада қуёш нурлари ва ёгингарчиликларнинг тўғридан-тўғри таъсирига учрайдиган ҳолатда, шунингдек товарларни ёнма-ён сақлаш тартиби бузилган ҳолда сақлашга ва жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

41. Тортиб сотиладиган товарларни сотишда темир-терсак, чиқиндилар, увоқлар стандартларда белгиланган йўл қўйиладиган нормалардан ортиқ бўлмаслиги керак.

42. Тортиб сотиладиган товарлар сотишдан олдин сотувчи томонидан қадоқланган ва ўралган тақдирда, яроқлилиқ муддати қисқа бўлган товарларни қадоқлаш ҳажми савдонинг бир куни мобайнида улар сотиладиган ҳажмдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қадоқланган товар ўрамага этикетка ёпиштирилади, унда унинг номи, тайёрловчи корхонанинг ёки тайёрловчи мамлакатнинг номи, бир бирлигининг баҳоси, тайёрланган санаси, яроқлилиқ муддати, қадоқланган санаси, қадоқловчининг тартиб рақами ёки фамилияси кўрсатилади.

Ўрамдаги оғирлиги кўрсатилган, тайёрловчи томонидан қадоқланган ва ўраб-жойланган озиқ-овқат товарларини сотишда улар қўшимча равишда тарозида тортилмайди.

43. Тортиб сотиладиган озиқ-овқат товарлари харидорга ўралганлиги учун қўшимча ҳақ ундирилмасдан ўралган ҳолда берилади.

Ўраш учун давлат стандартининг мажбурий талабларига мувофиқ бўлган ва аниқ товарларни ўрашга рухсат берилган материаллардан фойдаланилади.

44. Тортиб сотиладиган тортиладиган озиқ-овқат товарларининг нархи нетто оғирлиги бўйича белгиланади.

45. Харидорнинг илтимосига кўра сотувчи-ходим гастронимия товарларини келтирилган ҳолда сотиши мумкин.

46. Гўшт-сут, балиқ, қандолатчилик маҳсулотлари (бисквит тортлар, пирожноелар ва бошқалар), ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр масаллиқлар ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотларни сотишга фақат совутиладиган пештахталар, витриналар бўлган тақдирда рухсат берилади.

47. Тамаки маҳсулотларини акциз маркаларисиз ва 18 ёшдан кичик шахсларга сотишга рухсат берилмайди.

48. Озиқ-овқат товарлари чаканалаб сотиладиган жойларда қўшимча озиқ-овқат товарлари сотилиши ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатилиши мумкин. Қўшимча товарлар билан савдо қилиш ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш стандартларнинг мажбурий талаблари билан белгиланган озиқ-овқат товарлари сифати ёмонлашишига ва хавфсизлигига ва уларни сотиш шароитлари ёмонлашишига олиб келмаслиги керак.

49. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган жисмоний шахслардан озиқ-овқат товарларини қабул қилиб олиш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари) тақиқланади.

50. Нон ва нон-булка маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи савдо корхоналарида белгиланган иш соатларида ассортимент рўйхатида назарда тутилган ассортиментдаги нон ва нон-булка маҳсулотлари бўлиши лозим.

Ихтисослаштирилган нон дўконининг савдо залида ёки нон маҳсулоти савдосини амалга оширувчи бўлимда кўринарли жойга маҳсулотнинг тайёрловчилари, олиб келиш жадваллари, нон маҳсулотларини сотиш муддатлари, парҳезбоп нон маҳсулотлари ва янги турдаги маҳсулотларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Нон сотиш ва сақлаш учун мўлжалланган жой қуруқ ва шамоллатиб туриладиган бўлиши керак.

Нон ва нон-булка маҳсулотлари сотувчи савдо объектлари махсус анжомлар (вилкалар, пичоқлар, ажратувчи тахталар, стеллажлар, полкаларни нон ушоқларидан тозалаш учун чўтка ва бошқалар) билан жиҳозланган бўлиши керак.

Савдо объектида дезинфекцияловчи воситалар бўлиши шарт.

51. Нон ва нон-булка маҳсулотларини қабул қилишда сотувчи маҳсулот сифатини органолептик кўрсаткичлар бўйича, ҳар бир маҳсулот вазнининг маҳсулотнинг аниқ тури учун амалда бўлган норматив ҳужжатларга мувофиқлигини текшириши лозим. Бузилишлар аниқланган тақдирда маҳсулот тайёрловчига қайтарилади.

Етказиб берувчининг илова ҳужжатида ушбу товарлар тўғрисида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 6-моддаларида назарда тутилган тўлиқ маълумотлар бўлиши лозим.

Нон ва нон-булка маҳсулотлари фақат нон маҳсулотлари ташишга мўлжалланган ихтисослаштирилган автомашиналарда ташилади.

52. Ихтисослаштирилган ва фирма нон-қандолат дўконларида ва бошқа дўконларнинг нон бўлимларида нон, нон-булка маҳсулотлари ва қандолатчилик маҳсулотларидан ташқари шакар, чой, кофе, какао, ун, ёрма, макарон маҳсулотлари, болалар овқати учун қурук маҳсулотлар, озиқ-овқат концентратлари, кафетерийга эга бўлган дўконларда эса, шунингдек иссиқ ичимликлар (чай, кофе, какао, сут) шу жумладан ўзлари ишлаб чиқарган хамир ва қандолатчилик маҳсулотлари сотилиши мумкин.

53. Нон, нон-булка маҳсулотларининг тандирдан чиққандан кейин сотувда бўлиши мумкин бўлган муддатлари фақат маҳсулотнинг ҳар бир тури учун норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ белгиланган тартибда белгиланади.

54. Харидорлар хоҳишига кўра оғирлиги 0,4 кг ва ундан ортиқ бўлган нон, нон-булка маҳсулотлари (ўралганларидан ташқари) 2-4 та тенг бўлақларга кесилиши ва тарозида тортилмасдан сотилиши мумкин.

55. Амалдаги стандартлар, техник шартлар талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек нотўғри сақлаш туфайли бузилганлик белгилари бўлган нон, нон-булка маҳсулотларини сотиш тақиқланади.

Нон маҳсулотлари савдо объектларида нотўғри сақланганлиги туфайли бузилган тақдирда бунинг учун савдо объектлари жавоб беради.

Нон белгиланган стандартлар талабларига ва/ёки ишлаб чиқарувчининг техник шартларига мувофиқ сақланади.

Харидорларга нон ва нон-булка маҳсулотлари, махсус анжом қўлланилмаган тақдирда, махсус қўлқоплар (полиэтилен қўлқоплар ёки бошқа қўлқоплар) воситасида берилиши мумкин.

Сифатсиз (ғарч-ғурч қилган, куйган, ичи бўш, яхши қорилмаган, бошқа нарсалар аралашган) нон ёки нон маҳсулотлари сотилган тақдирда сотувчи-ҳодимлар харидор талабига кўра уларни сифатлисига сўзсиз алмаштириб беришлари ёки пулини қайтаришлари керак. Харидорлар томонидан қайтариб берилган нон ва нон-булка маҳсулотлари санитария жиҳатидан яроқсиз ҳисобланади.

Нон маҳсулотлари зарур сифатга эга бўлмаган тақдирда сотиш муддатлари доирасида алмаштирилади.

56. Нон, нон-булка маҳсулотларини сақлаш ва сотиш жараёнида уларда картошка касаллиги белгилари аниқланган тақдирда сотувчи бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчига дарҳол хабар бериши керак. Зарарланган маҳсулотлар сотувдан чиқарилади ва амалдаги қоидаларга мувофиқ йўқ қилинади. Нон маҳсулотларида картошка касаллиги мавжудлиги ва уларнинг йўқ қилинганлиги ҳақидаги далолатнома белгиланган тартибда тузилади.

Картошка касаллиги мавжуд бўлган маҳсулот сақланган тоқчалар, шкафлар, лотоклар, идишлар картошка касаллигининг олдини олиш бўйича йўриқномага мувофиқ белгиланган тартибда зарарсизлантирилади.

V. Алкоголли ичимликлар билан чакана савдо қилиш хусусиятлари

57. Алкоголли ичимликлар билан савдо қилиш махсус рухсатномалар асосида, шу жумладан белгиланган тартибга мувофиқ равишда берилган алкоголли ичимликларни қуйиб сотишга берилган рухсатномалар асосида ва назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш шarti билан амалга оширилади.

Рухсатномада савдо объектнинг манзили, иш соатлари, сотиладиган ичимликларнинг турлари, сотиш тури (олиб кетиш ёки қуйиб сотиш) ва бошқа зарур маълумотлар аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

58. Сифатига кўра стандартларнинг мажбурий талабларига ва техник шартларга мувофиқ бўлган алкоголли ичимликлар сотилиши керак.

Алкоголли ичимликларнинг, шу жумладан импорт алкоголли ичимликларнинг сотувчиси махсулотларнинг ҳар бир номи бўйича тайёрловчи ёки етказиб берувчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳамда ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш рақамлари, унинг амал қилиш муддати ва сертификатни берган орган кўрсатилган ҳолда махсулотнинг ҳар бир номи бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак.

Мувофиқлик сертификати харидорнинг талабига кўра сотувчи томонидан тақдим этилиши керак.

Сертификацияланган махсулот белгиланган тартибда мувофиқлик белгиси билан маркаланади.

Алкоголли ичимликлар юридик шахслар томонидан савдо залига эга бўлган турғун савдо объектлари орқали сотилади.

59. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналари томонидан алкоголли ичимликларни сотиш вақти ва жойи алкоголли ичимликларни сотиш шартларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

60. Алкоголли ичимликларни:

махсус рухсатномаларсиз;

мувофиқлик сертификатсиз;

ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ маркалабмаган ҳолда;

яроқлилик муддати ўтиб кетган ҳолда;

акциз маркалари билан маркалабмаган ҳолда;

алкоголли махсулотлар ишлаб чиқаришга лицензияси бўлмаган ишлаб чиқарувчидан олинганда;

кўрсатиб ўтилган махсулотларни сақлаш ва сотиш учун санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган хона ва жойларда (шу жумладан назорат-касса машиналарини қўллаш, моддий бойликларни зарур даражада сақлашни таъминлаш учун шарт-шароитлар ва ёрдамчи хона бўлмаганда);

18 ёшга тўлмаган шахсларга;

кўчма савдо объектларида ўқув юртлари, диний муассасалар, болалар муассасалари яқинида жойлашган чакана савдо объектларида, шунингдек бевосита даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида кўрсатиб ўтилган ўқув юртлари фаолият кўрсатган вақтда;

этикеткаларсиз, ифлос (ички ёки ташқи томони), синган (оғзи учган, ёрилган), тикини учган, умумий кўриниши тиниқ бўлмаган, чет нарсалар аралашган, чўкиндили бутилкаларда (винолар тўпламидан ташқари) сотиш тақиқланади.

61. Алкоголли ичимликлар махсулотнинг тегишли тури бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда сақланиши керак.

Узум, мева винолари, коньяклар, шампан қуйилган, пўстлоқ тиқинли бутилкалар тиқинларнинг қуриб қолмаслиги ва ҳаво кирмаслиги учун омборхоналарда ётиқ ҳолатда, бошқача тиқинли бутилкалар эса тик ҳолатда сақланади.

62. Сотувчи алкоғолли ичимликларни савдо залига қўйишдан олдин ташқи белгиларига қараб уларнинг сифатини текшириб кўришга мажбурдир.

63. Алкоғолли ичимликларни сотиш чоғида сотувчи сотувдаги мавжуд товар намуналарига ичимлик номи ёзилган, уларнинг идиши ва қадоқлаш қиймати қўшилган нархлари кўрсатилган нархномаларни биркитиб қўяди. Алкоғолли ичимликларни қуйиб сотишда нархномада унинг номи ва 1 литри ва 0,1 литрининг нархи кўрсатилади. Умумий овқатланиш савдо объектларида алкоғолли ичимликлар прејскурантларида ичимликлар номи, бутилкасининг сифими, бутилка умумий сифимининг, шунингдек 100 ёки 50 граммнинг нархи кўрсатилиши керак.

64. Сотувчи-ходимлар (буфетчилар, барменлар ва алкоғолли ичимликларни қуйиб сотувчи бошқа шахслар)нинг иш ўринлари давлат текширувидан ўтказилган тегишли савдо анжомлари, ўлчов мензуркалари ва ўлчамли кружкалар билан таъминланган бўлиши керак.

65. Харидор камчиликлари бўлган алкоғолли ичимликлар сотиб олган тақдирда сотувчи харидор талабига кўра уларни сифатли товарга алмаштириб беришга ёки, агар мазкур камчиликлар товарнинг яроқлилиқ муддати доирасида аниқланган бўлса, харидорга унинг тўлаган суммасини қайтариб беришга мажбурдир.

Сотувчи айби билан белгиланган яроқлилиқ муддати доирасида камчиликлари бўлган алкоғолли ичимликларни сотиш оқибатида истеъмолчи ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар амалдаги қонунчиликка мувофиқ қопланиши керак.

66. Ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, чакана савдо корхоналарининг сотувчи-ходимлари, раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари аҳолига алкоғолли ичимликлар сотиш тартибини бузганлик ёки ёмон сифатли алкоғолли ичимликлар сотганлик, шунингдек уларни сақлаш тартибини бузганлик учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

67. Пиво кучсиз алкоғолли ичимлик ҳисобланади ва V бўлим талаблари пивони сотишга татбиқ этилмайди. Пивони чакана савдога рухсатнома бўлган тақдирда, сотиш жойи чекланмасдан умумий асосларда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан сотилишига йўл қўйилади.

VI. Мева-сабзавот товарлари билан чакана савдо қилиш хусусиятлари

68. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтисослаштирилган мева-сабзавот дўконларида, озиқ-овқат дўконларининг бўлимлари ва секцияларида, шунингдек мулкчиликнинг барча шаклларидаги павильонларда янги узилган сабзавот, ҳўл мева, узум, резавор мева, субтропик ўсимликлар, ёнғоқмевалар, полиз маҳсулотлари, қўзиқорин, ёввойи ҳолда ўсувчи мевалар, картошка ва уларни қайта ишладан олинган маҳсулотлар (кейинги ўринларда матнда «мева-сабзавот товарлари» деб юритилади)ни чакана сотиш соҳасидаги асосий талабларни белгилаб беради.

69. Чакана савдо корхоналари мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка кўплаб келтириладиган даврда туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ва санитария назорати органларининг рухсати билан лотоклар, тележкаларда сотишни, шунингдек деҳқон бозорлари, гузарлар, ярмаркалар ва ушбу мақсадлар учун ажратилган бошқа жойларда майда улгуржи савдонинг кенг тармоғини ташкил этадилар.

Майда чакана савдо тармоғи мева-сабзавот ва бошқа қўшимча товарлар билан ўзлари таркибига кирадиган, ушбу маҳсулотлар билан савдо қиладиган корхоналар ва ташкилотлар томонидан таъминланади.

70. Мева-сабзавот билан савдо қилувчи корхоналар ва ташкилотлар қўшимча равишда қадоқланган бошқа озиқ-овқат товарлари: зиравор, кетчуплар, дориворлар, асал, ўсимлик мойи, туз, уксус, мева-сабзавот шарбатлари ва чанқовбосди ичимликлар ҳам сотиши мумкин.

71. Иш шароитларига қараб мева-сабзавот товарлари билан савдо қилувчи корхоналар ва ташкилотлар хўжалик товарлари: картошка-сабзавот тозалагич, шарбат-сикқич, қопқоқлаш машиналари, ҳар хил идишлар, тикин ва ўраш материаллари, кичик механизация воситалари, боғ-полиз анжомлари, полиэтилен плёнка, мева-сабзавот экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ва қўчатларини сотиши мумкин.

72. Сотувга қўйиладиган мева-сабзавот товарлари сортларга ажратилган бўлиши ва сифатига кўра давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқ бўлиши керак. Саралаш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган олманинг айрим думбул навлари («Оқ олма», «Астрахань оқ олмаси», «Розмарин»), резавор мевалар (кулупнай, малина (хўжағат), смородина (қорағат), данакли мевалар (олча, гилос, олхўри, ўрик) ва узум учун бундан истисно қилишга йўл қўйилади. Агар яроқсизлик ва чиқит миқдори олмалар учун 5 фоиздан, данакли мевалар ва узум учун 10 фоиздан ортиқ бўлмаса, кўрсатиб ўтилган махсулотлар сортларга ажратилмасдан сотувга қўйиши мумкин.

73. Мева-сабзавот товарлари тайёрлаш (қабул қилиш), сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (савдо) жойларига товарни механик шикастланишдан сақлашни таъминловчи идишда ва ўрамда келтирилади. Мева-сабзавот товарларининг носоз, ифлос ва ўзига хос хид келиб турадиган идишда ва транспорт воситаларида идишсиз ташилишига йўл қўйилмайди.

74. Мева-сабзавот товарлари транспортнинг очиқ турлари билан ташилганда уларнинг устига брезент ёки ўраш материали ёпилган бўлиши керак.

75. Идиш эҳтиёткорлик билан, махсус асбоблар ёрдамида очилиши керак. Савдо корхонаси ва ташкилотига келтириладиган барча мева-сабзавот идиши унинг сақланишини таъминлайдиган ҳамда айниқса зарарли моддалар билан ифлосланишига йўл қўймайдиган шароитларда сақланиши керак. Идишни савдо залида, тамбурда ва савдо корхоналарининг олд томонида сақлаш тақиқланади. Идишни сақлаш учун махсус бино ёки атрофи ўралган бостирмали майдон ажратилади.

76. Хўл, қуритилган, қайта ишланган мева-сабзавот товарлари бунинг учун махсус ажратилган, табиий ёруғлик тушмайдиган, яхши шамоллатиладиган, совутиладиган жойларда идишга солинган ҳолда сақланади. Товарнинг ҳар бир тури сақлаш жойларида алоҳида жойлаштирилади. Махсулот солинган яшиклар, лотоклар, саватлар 1,5-2 метр баландликдаги сўриларга қўйилади. Товарлар контейнерларда сақланганда уларнинг полдан баландлиги бино шипининг баландлигига ва кўтариш механизмлари жиҳозланганлигига боғлиқ бўлади.

77. Хўл мева, сабзавот ва картошкани сақлаш учун қуйидаги шароитлар таъминланиши керак:

Махсулотнинг номи	Цельсий бўйича ҳарорат даражаси	Ҳавонинг нисбий намлиги, фоиз
Картошка	+2 дан +3 гача	85-95
Сабзи, петрушка, сельдерей, шолғом, ерқалампир (хрен), лавлаги, турп, редиска, брюква, пиёз	-1 дан +1 гача	90-95
Карам	-1 дан +3 гача	90-95
Помидор	+10 дан +13 гача	75-80
Бодринг, кабачки, қовоқ, патиссон, бақлажон	+13 дан +15 гача	90-95
Салат, исмалоқ, кўкпиёз, боғламли редиска ва бошқа ошқўклар	+1 дан +3 гача	90-95

Маҳсулотнинг номи	Цельсий бўйича ҳарорат даражаси	Ҳавонинг нисбий намлиги, фоиз
Қовун	+10 дан +13 гача	85-90
Тарвуз	+3 дан +4 гача	80-85
Олма	+4 дан +5 гача	95
Нок	+2	95
Узум	0 дан -1 гача	90-95
Данакли мевалар (олча, гилос, ўрик, олхўри, шафтоли)	0 дан +1 гача	80-95
Қалампир	+6 дан +7 гача	90-95
Булғор қалампир	+10 дан +13 гача	90-95
Сариқ, тўқ сариқ тусли цитрус мевалар	+2 дан +3 гача	85-90
Мандарин, апельсин ва лимон	+2 дан +3 гача	85-90
Пишган ананас	+8 дан +9 гача	85-90
Пишган банан	+12 дан +14 гача	90-95

Бундай шароитлар яратиш имкони бўлмаган истисно ҳолларда пўчоқли уруғи бўлган мевалар, цитрус мевалар, сабзавотлар (ошқўклардан ташқари) ва картошка икки кеча-кундуздан ортиқ бўлмаган муддатда ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 фоиз бўлган ҳолда +10 дан +12 гача даражали ҳароратда сақланиши мумкин.

78. Мевалар бузилишининг олдини олиш учун фумигация қилинган олма, нок ва цитрус меваларни савдо жойларида сақлаш 24 соатдан ошмаслиги керак.

79. Тузланган қарам, тузланган ва сиркаланган бодринг ва помидорлар ёғоч бочкаларда, бидонларда полда, шиша идишда — сўкчакларда ёки яшиқларда, полиэтилен қопчаларда-яшиқларда: қарам 0 дан -2° С гача, бодринг ва помидор -1° дан +4° С гача ҳароратда, совутиладиган хоналар бўлмаган тақдирда омборларда +12° С дан ошмайдиган ҳароратда тунги вақтда мажбурий шамоллатишни қўллаган ҳолда кўпи билан икки кеча-кундуз сақланади.

80. Қуритилган мевалар, сабзавот ва қўзикоринлар 0 даражадан +10 даражагача ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 75 фоиздан юқори бўлмаган қуруқ, салқин хоналарда яшиқларда, сўкчакларга жойлаштирилган полиэтилен ёки крафт қопчаларда сақланади.

81. Ҳаво кирмайдиган, стерилизация қилинган металл, полимер, шиша идишдаги консервалар, шарбат ва ичимликлар ёғоч (ёки пластмасса) қутиларда +3 дан +10° С даражагача ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 85 фоиздан ошмайдиган шароитда сақланади.

82. Музлатилган мева ва сабзавотлар ҳарорати -8 -10° С даражадан ошмайдиган паст ҳароратли камераларда ва пештахталарда сақланади.

83. Янги резавор мевалар солинган очик саватлар ва ғалвирлар усти енгил газлама (масалан, дока ва ҳоказолар) билан ёпилади.

84. Картошка ва мева-сабзавот товарлари сотишга қўйишдан аввал яроқсиз ва ностандартларга ажратиб сараланади, шунингдек уларнинг ифлосланган устки қисми тозаланади. Қайта ишлаш учун саралаш столлари, имкониятга қараб саралаш — калибрлаш машиналари билан жиҳозланган махсус хона ажратилади.

Резавор мевалар, гилос, олча ва узум дастлабки қайта ишловларсиз савдога қўйиши мумкин.

85. Дўконларда янги ва қуритилган мева-сабзавот товарлари ва картошкани сотиш товарнинг нархи ва сорти кўрсатилган, қадоқланган ҳолда амалга оширилади.

86. Дўконларда картошка ва мева-сабзавот товарлари полкаларда, этажеркаларда ва пештахталарда, шу жумладан совутиш пештахталарида, чакана савдо столларида, саватларда, яшиқларда ва бошқа асбоб-ускуналар ва жиҳозларда кўрсатиб қўйилади.

87. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули билан савдога тайёрланадиган товарлар дўконларда боғламланади, қадоқланади, овқат тайёрлаш учун тўплам қилиб қўйилади, ип ва полиэтилен тўрхалталарга, қопчаларга ва бошқа ўраш-жойлаш материалларига жойланади ҳамда маркаланади.

88. Тортиб сотиладиган картошка, мева-сабзавот товарларини оғирлиги харидорга кўринарли жойда кўрсатилган идишда тортишга йўл қўйилади.

89. Тузланган карам, тузланган ва сиркаланган қўзиқорин амалдаги стандартлар ёки техник шартларга мувофиқ фоиз нисбатларидаги шарбат, тузли ва сиркали сув билан бирга сотилади.

Бошқа тузланган ва сиркаланган мева-сабзавот товарларини сотишда суюқлик товар тортиб бўлингандан сўнг харидор илтимосига кўра қўшилади.

Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни сотишда махсус анжомлар (қошиқ, вилка, куракчалар) қўлланилади.

90. Сотувчи харидорга картошка, мева-сабзавот товарларини сотишда савдо жараёнида вужудга келган яроқсиз ва сифати паст маҳсулотларни ажратиш ташлашга мажбурдир.

91. Сифати паст мева-сабзавот товарларини сотиш тақиқланади.

VII. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш хусусиятлари

92. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш хўжалик юритувчи субъектлар — белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан савдо қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг савдо объектлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган дислокацияга киритилиши керак.

Дислокацияга моддий-техник базаси мазкур Қоидаларнинг 93-95-бандлари талабларига мувофиқлиги бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган комиссияларда экспертизадан ўтган савдо корхоналари киритилади.

Тасдиқланган Дислокацияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробани аниқлаш палатаси рўйхатдан ўтказиши ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беради.

Тасдиқланган Дислокация ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробани аниқлаш палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан чакана савдо қилиш ҳуқуқига рухсатнома берилади.

93. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган товарларни сотиш фақат ихтисослаштирилган заргарлик дўконлари, универмаглар, савдо марказларининг бўлимлари, секцияларида амалга оширилади. Уларда кўрсатиб ўтилган бойликларнинг ҳисобга олинishi, ишончли сақланиши (қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси мавжудлиги, савдо бўлимидан тўсилган, мустаҳкамланган, ёнмайди-ган пўлат сандиқ мавжудлиги) ва уларни харидорларнинг танлаши учун зарур шароитлар таъминланади.

Дўконлар ва бўлимларда қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт: «Ўзстандарт» агентлигининг давлат текширувчилари томонидан текширилган биринчи ёки иккинчи класс

аниқликдаги торозилар, гардиш ўлчагичлар, бармоқ ўлчагичлар, пробани аниқлаш учун реактивлар.

94. Ихтисослаштирилган заргарлик дўконларида, универмаглар, савдо марказларининг бўлимлари ва секцияларида харидорларга қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни кўрсатиш қулай бўлиши таъминланиши керак.

Харидорларга қулай бўлиши учун заргарлик зеб-зийнатлари, столни тузаш буюмлари ва бошқа буюмлар вазифаси ва хилига кўра гуруҳларга ажратилиши керак.

95. Савдо залларида қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган пробалар тўғрисидаги ахборот, шунингдек қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни тамғалаш тартиби тўғрисидаги норматив ҳужжатлардан кўчирмалар, проба тамғалари тасвири, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан савдо қилиш ҳуқуқига рухсатнома, чакана савдо корхонаси Давлат пробани аниқлаш палатасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мазкур Қондалар ва харидорлар учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўзга кўринarli жойга осиб қўйилиши керак.

96. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар уларда уларни тайёрлаганларнинг тамғалари ва Давлат пробани аниқлаш палатаси томонидан қўйилган проба тамғалари мавжуд бўлсагина сотилади.

Чет элдан келтирилган хорижда ишлаб чиқарилган буюмларда ҳам Давлат пробани аниқлаш палатасининг тамғаси бўлиши шарт.

97. Сотувга қўйилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларда маҳсулотнинг номи, тайёрловчи, артикул, проба, 1 грамм маҳсулотнинг массаси ва нархи, сотувга қўйилган буюмларнинг тури, уларнинг хусусияти, буюмнинг массаси ва чакана нархи кўрсатилган ҳолда пломбланган ёрликлар бўлиши керак.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тамғаланмайдиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа маиший буюмларнинг айрим турларида сифат сертификати бўлиши керак.

98. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар савдо залига қўйилгунга қадар сотувдан олдинги тайёргарликдан ўтиши керак. Бу тайёргарлик буюмларни кўздан кечириш ва брак қилишни, белгиланган проба тамғалари, пломба ва ёрликлар мавжудлигини текширишни, ўлчамларига кўра сортларга ажратишни ўз ичига олади.

Сотувчи қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни танлашда харидорга малакали ёрдам бериши ва уни зарур маслаҳат билан таъминлаши, харидорни сотувдаги мавжуд намуналар билан таништириши керак.

Харидорнинг хоҳишига кўра сотувчи-ходим харидор танлаган қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмларни дўкон иш кунининг охиригача бўлган муддатга сақлаб туришга мажбурдир.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган безаклар якка тартибда ўраб-жойланган бўлиши керак.

Сотувчи қўшимча товарлар сотишни ташкил этиши ва харидорга қўшимча хизматлар комплексини кўрсатиши мумкин (ўйма нақш солиш, олдиндан буюртма қабул қилиш, совғани етказиб бериш ва топшириш, чиройли қилиб ўраб-жойлаш ва хизматларнинг бошқа шакллари).

99. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар алмаштирилмайди ва қайтариб олинмайди, уларда чакана савдо корхонаси томонидан қайд этилмаган нуқсонлар (зиракка тошлар, илгакларнинг, билакузукка шарнирли бирикмаларнинг сифатсиз маҳкамланганлиги, ёрликлар, ушалган жойлар, тирналган жой-

лар, гудурлар ва бошқа нуқсонлар) аниқланган, давлат проба тамғаси мухрининг заргарлик қотишмаси амалдаги пробасига, буюм хусусиятининг пломбланган ёрлик маълумотларига мос келмаслиги бундан мустасно.

100. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларда чакана савдо корхонаси томонидан қайд қилинмаган нуқсонлар аниқланган тақдирда харидор уларни харид қилинган кундан бошлаб 6 ой ичида харид нархи тегишлича қайта ҳисобланган ҳолда ана шундай буюмларга ёки бошқа буюмларга алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади ёхуд улардаги нуқсонлар текин бартараф этилиши ёки харид нархи мутаносиб равишда камайтирилиши керак.

Харидор шунингдек зарар қопланган ҳолда олди-сотди шартномасини бекор қилишга ҳам ҳақли бўлади. Харидорнинг кўрсатиб ўтилган талаблари товар чеки тақдим этилгандан кейин кўриб чиқилади.

101. Алмаштириш ёки нуқсонларни текин бартараф этиш муддатлари бузилган тақдирда сотувчи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ неустойка тўлаши шарт.

102. Сифатга оид нуқсонлар пайдо бўлиши сабаблари масаласида келишмовчиликлар келиб чиқса сотувчи қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмни харидордан қабул қилиб олишга ва уни мустақил экспертиза ўтказиш учун Давлат пробани аниқлаш палатасига юборишга мажбурдир.

Харидор экспертиза ўтказишда қатнашишга ҳақлидир.

103. Сотилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар учун харидордан нақд пулни қабул қилиш назорат-касса машиналари қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган сотилган буюм учун харидорга касса чеки ҳамда савдо ташкилоти қайди қўйилган ва сотувчи-ходим томонидан имзоланган товар чеки нусхаси берилади. Товар чеки нусхасида буюмнинг номи, артикули, нархи ва сотиш санаси, сотувчи-ходимнинг имзоси ва савдо корхонаси штампи кўрсатилади.

104. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан воситачилик савдоси товарлар билан воситачилик савдоси қоидаларига мувофиқ мазкур Қоидаларнинг 92-бандига биноан Дислокацияга киритилган савдо корхоналаридагина амалга оширилади.

105. Сотувчи қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни сотиш қоидалари бузилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харидор олдида жавоб беради.

106. Давлат проба тамғаларисиз ёки пломбирланган ёрликсиз сотувга тушган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар муҳрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробани аниқлаш палатасига жўнатилиши керак.

VIII. Қимматбаҳо металллар, тошлар ва улардан ясалган буюмларни аҳолидан сотиб олувчи пунктларнинг иш қоидалари хусусиятлари

107. Қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар синиқларини ва улардан ясалган буюмларни аҳолидан сотиб олувчи сотиб олиш пунктлари, дўконлар ва бошқа юридик шахслар (матнда кейинги ўринларда «сотиб олиш пунктлари» деб юритилади) Давлат пробани аниқлаш палатаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига эга бўлишлари керак. Заргарлик буюмларини қай-

та ишлаш ва тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиясига ва Давлат пробани аниқлаш палатаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига эга бўлиш керак.

108. Сотиб олиш пунктлари кўрсатиб ўтилган қимматли бойликлар ишончли сақланишини таъминлайдиган, шунингдек топширувчиларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларга эга бўлган махсус жиҳозланган биноларда жойлаштирилиши керак.

109. Сотиб олинган бойликлар сотиб олиш пункти томонидан уларнинг ҳақи тўлангандан кейин қимматли бойликларни сотувчига қайтариб берилмайди.

110. Сотиб олиш пунктлари аҳолидан шартнома асосида:

қимматбаҳо металллар (олтин, платина, палладий ва қумуш) ва улардан ясалган буюмларни;

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни;

монеталарни (олтин, платина ва қумуш тангаларни);

корпусига олтин қопланган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт соатларни;

қумуш гардишли чинни ва биллур буюмларни сотиб олади.

111. Сотиб олиш пунктларининг:

техник олмосларни;

қайта ишланмаган шаклдаги қимматбаҳо тошларни;

ёмби, олтин чўкинди, олиб қўйиладиган ясама тиш, сим ва кукун шаклидаги олтин, платина, палладий ва қумушни;

олтин, платина, палладий ва қумушдан ясалган ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги буюмларни (чега, лаборатория идиши ва бошқаларни);

давлат ва жамоат корхоналари ва ташкилотларидан қимматли бойликларни сотиб олиши тақиқланади.

112. Қимматбаҳо металлларнинг пробасини аниқлаш ва қимматли бойликларни тоштарозида тортиш учун сотиб олиш пунктлари:

барча аниқланган пробаларни аниқлаш учун кимёвий реактивларга;

қимматбаҳо тошларни тош-тарозида тортиш учун аналитик тарозиларга;

олтин, платина, палладий, ярим қимматбаҳо, ишлов берилган ва синтетик тошларни тортиш учун I классли техник тарозиларга;

қумушни тош-тарозида тортиш учун II классли техник тарозиларга эга бўлиши керак.

113. Бойликларни тош-тарозида тортиш:

олтин, платина, палладий ва ушбу металллардан ясалган буюмлар учун — 0,01 граммгача;

қумуш ва қумушдан ясалган буюмлар учун — 0,1 граммгача;

гардишсиз қимматбаҳо тошлар учун — 0,01 каратгача;

ярим қимматбаҳо тошлар учун — 0,01 граммгача;

ишлов берилган тошлар учун — 0,1 граммгача аниқликда бўлиши керак.

Харид қилиш пайтида буюмдан олиш мумкин бўлмаган ёки буюмдан олиш мақсадга мувофиқ бўлмаган барча қимматбаҳо тошлар каратомер бўйича 0,1 каратгача аниқликда аниқланади.

114. Бойликларни харид қилиш билан боғлиқ барча операциялар бойликларнинг эгаси иштирокида амалга оширилади (пробани аниқлаш, тортиш, штифт, канифолни йўқотиш ва бошқалар).

115. Бойликларнинг нархи сотувчи билан келишилгандан кейин сотиб олувчи товаршунос белгиланган намунадаги квитанцияни 4 нусхада ёзади, квитанцияни сотиб олувчи товаршунос ва бойликларни сотувчи имзолайди.

116. Сотиб олинган ҳар бир қимматли бойлик квитанция билан биргаликда ҳақи

тўлангандан кейин дарҳол конвертга солинади ва реестрга ёзиб қўйилади, конвертда квитанциянинг рақами ва қабул қилинган сана кўрсатилади. Шундан кейин конверт елимланади. Конвертга сифмайдиغان сотиб олинган йирик ҳажмли қимматли бойликлар қоғозга ўралади, уларга конвертда кўрсатиладиганга ўхшаш маълумотлар бўлган ёрлик ёпиштирилади. Ҳар куни, иш куни охирида сотиб олувчи товаршунос ичига қимматли бойликлар солинган барча конвертларни пакетга (ёки қоғга) ўрайди ва ўзининг пломбири билан пломбалайди. Пломбаланган пакетлар сейфда сақланади. Сейфнинг калити сотиб олиш пунктининг мудирини сақланади, агар сотиб олиш пункти дўкон ҳузурида бўлса — сотиб олувчи товаршуносда сақланади. Қимматли бойликларни сақлаш учун қабул қилишда сотиб олиш пункти мудирини реестрни имзолайди. Реестрнинг бир нусхаси сотиб олувчи товаршуносда қолади. Пакетга ёки қоғга жойланган қимматли бойликлар учун сотиб олувчи товаршунос тўлиқ моддий жавоб беради.

117. Кейинги иш кунида, аҳолидан сотиб олинган қимматли бойликлар кўздан кечирилгандан кейин, товаршунос сотиб олиш пункти раҳбари билан биргаликда бундан кейин сотиш учун яроқли бўлган заргарлик буюмларини сотиш учун қўяди. Бундан кейин сотиш учун яроқли бўлмаган буюмларга эга бўлган сотиб олиш пункти:

ушбу буюмларни қайта ишлаши ва ўзининг цехлари (устахоналари)да, заргарлик буюмларини қайта ишлаш ва тайёрлашга лицензия мавжуд бўлган тақдирда, улардан заргарлик буюмлари тайёрлаши мумкин. Ўзининг цехлари (устахоналари)да тайёрланган заргарлик буюмлари бундан кейин ўзининг ихтисослаштирилган савдо объектларида ёки шартнома асосида бошқа ихтисослаштирилган савдо объектларида сотилиши мумкин;

ушбу корхоналарда заргарлик буюмларини қайта ишлаш ва тайёрлашга лицензия мавжуд бўлган тақдирда ушбу буюмларни бундан кейин қайта ишлаш ва улардан заргарлик буюмлари тайёрлаш учун корхоналарга бериш ёки шартнома асосида сотиши мумкин. Тайёрланган маҳсулот буюртмачининг ихтисослаштирилган савдо объектларида бундан кейин сотиш учун буюртмачига қайтарилиши ёки ўзининг ихтисослаштирилган савдо объектлари орқали тайёрловчи корхоналарга сотилиши мумкин.

118. Қуйидаги масалалар бўйича сотиб олиш пунктлари иши устидан назорат: пунктлар ишининг тўғри ташкил этилганлиги — тасарруфида ушбу пунктлар бўлган ташкилотлар томонидан;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси мавжудлиги, ҳисобга олиш ва пул операцияларини юритиш, шунингдек назорат-касса машиналари қўлланилиши бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан;

шартномавий нархлар (тарифлар) шакллантирилиши ва қўлланилишининг тўғри ихтисодий асосланганлиги — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан;

буюмларнинг сифати, уларда Давлат проба тамғаси оттисклари борлиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси пробани аниқлаш тамғаси мавжудлиги — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробани аниқлаш палатаси томонидан амалга оширилади.

IX. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги автотранспорт воситаларини чакана сотиш хусусиятлари

119. Сотувга фақат белгиланган намунадаги ҳужжат берилган ҳолда сертифика-

циядан ўтган автомобилотransпорт воситалари (автомобиллар, мотоцикллар, тиркамалар, мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган рақамли агрегатлар) қўйилади.

Автомобилотransпорт воситаларини сотувчи дўконларнинг жойлашиши автомобилотransпорт воситаларини намоёниш қилиш учун зарур савдо майдонлари ва сотиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

120. Автомобилотransпорт воситалари савдо залига қўйилгунига қадар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган ишлар ҳажмига мувофиқ савдо олди тайёргарлигидан ўтиши керак. Бундай тайёргарлик сотувчи ёки сотувчи билан тузилган шартнома асосида бундай талабни бажарувчи корхона томонидан амалга оширилади. Сервис дафтарида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда тайёргарлик ўтказилганлиги тўғрисида белги қайд этилади. Ҳужжатда бундай белгини қайд этмасдан автомобилотransпорт воситалари сотилиши мумкин эмас.

121. Сотувчи расмийлаштиришгача харидорга автомобилотransпорт воситасини сотишдан олдин тайёрлашга доир бажарилган ишларнинг сифатини, унинг бутланганлигини текшириш, шунингдек кафолат мажбуриятлари шартлари билан танишиш имконини бериши керак.

Чет элда ишлаб чиқарилган автомобилотransпорт воситасидан фойдаланишга доир амалий қўлланма давлат тилига қўшимча ҳақ ундирилмасдан таржима қилиниши керак.

122. Сотувчи автомобилотransпорт воситасини танлашда малакали ёрдам берилишини таъминлаши, харидорни ушбу воситаларнинг сотувда мавжуд бўлган русумлари ва моделлари билан таништириши керак.

Автомобилотransпорт воситалари савдо залида ёки сотиш қулай бўлган бошқа жойларда харидор уни эркин кўриб чиқадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Сотувчи қўшимча товарлар сотилишини ташкил этиши ва қўшимча ҳақ тўлаш эвазига харидорга комплекс хизматлар (автомобилга қўшимча аксессуарлар, қурилмалар ва механизмлар ўрнатиш, автомобилларни сақлаш, ёнилғи қуйиш ва бошқалар) кўрсатиши мумкин.

123. Сотилган автомобилотransпорт воситаси учун сотувчи харидорга қуйидагиларни бериши керак: сервис дафтарчаси, фойдаланиш бўйича амалий қўлланма, пул банк муассасаси орқали олинганлигини тасдиқловчи товар (касса) чеки ёки бошқа ҳужжат, автомобилотransпорт воситаси комплексига кирувчи анжомлар тўплами, агар бундай тўплам ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маълумотнома-счёт.

Номерли агрегат (двигатель, шассе, кузов, рама) сотилганда харидорга қуйидагилар берилади:

ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган техник ҳужжатлар (баёни), товар (касса) чеки ёки пул банк муассасаси орқали олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маълумотнома-счёт.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги автомобилотransпорт воситаларини сотувчи корхоналарни белгиланган тартибда тегишли ҳимояланганлик даражасига эга бўлган маълумотнома-счёт бланкалари билан таъминлайди ва уларнинг сарфланишини назорат қилади.

124. Ҳақи тўланган автомобилотransпорт воситасини олиш харидор томонидан рад

этилган тақдирда тўланган сумма унга қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

125. Автомототранспорт воситасига ишлаб чиқарувчининг кафолатномаси норматив-техник ҳужжатларда белгиланган муддат давомида ёки муайян километр юрилиши мобайнида амал қилади.

Кафолат муддати автоматотранспорт воситаси харидорга сотилган кундан бошланади.

126. Фойдаланишнинг кафолат муддати даврида сотилган автоматотранспорт воситаларида сотувчи томонидан қайд этилмаган камчиликлар ва ишлаб чиқаришдаги яширин нуқсонлари аниқланган тақдирда автоматотранспорт воситаси эгасининг танлови бўйича шунга ўхшаш русумдаги янги автоматотранспорт воситаси билан ёки харид нархи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда бошқа русумдаги автоматотранспорт воситаси билан алмаштирилиши, ёхуд улардаги камчиликлар текин бартараф этилиши ёки уларни бартараф этиш харажатлари тўланиши, ёхуд харид нархи тегишлича камайтирилиши керак (автомобиллар бундан мустасно).

Кафолат муддати мобайнида автомобилларни алмаштириш, кузов ёки камида иккита агрегатни алмаштириш зарур бўлган тақдирда, эксперт комиссияси қарорига кўра (ушбу Қоидаларнинг 130-бандига мувофиқ) амалга оширилади. Автомототранспорт эгаси, шунингдек зарарлар тўланган ҳолда олди-сотди шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (автомобиллар бундан мустасно). Кўрсатиб ўтилган талаблар автоматотранспорт воситасини сотувчига қўйилади.

Истисно ҳолларда (сотувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилганда) камчиликларни текин бартараф этиш ёки бартараф этиш бўйича ўз харажатларини қоплаш, бошқа автоматотранспорт воситасига алмаштириш тўғрисидаги талаб автоматотранспорт воситаси эгаси томонидан товарни ишлаб чиқарувчига берилиши мумкин. Автомототранспорт воситаси эгаси ушбу талабларни қўйиш ўрнига носоз автоматотранспорт воситасини ишлаб чиқарувчига қайтаришга ҳамда унинг учун тўланган сумма қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Сотувчи, ишлаб чиқарувчи аниқланган камчиликлар бўйича автоматотранспорт воситаси эгасининг талабларини қондириш борасида уларнинг функциясини бажаришга вакил қилинган корхоналар ташкил этишлари, шунингдек ушбу мақсадларда бошқа корхоналар билан (кейинги ўринларда матнда «уларнинг функцияларини бажарувчи корхоналар» деб юритилади) шартномалар тузишлари мумкин.

Сотувчи, тайёрловчи (уларнинг функцияларини бажарувчи корхона) томонидан автоматотранспорт воситаси эгасининг шахсий аризаси рўйхатдан ўтказилган кун ушбу бандда санаб ўтилган талаблар қўйиладиган муддат бошланадиган кун ҳисобланади.

127. Автомототранспортда аниқланган камчиликларни бартараф этиш қўйидаги (республика ташқарисидан келтирилдиган зарур эҳтиёт қисмлар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни келтириш талаб қилинадиган вақтни ҳисобга олмасдан, бироқ уч ойдан ортиқ бўлмаган) муддатларда амалга оширилади:

кўпи билан 10 кун — автоматотранспорт воситаси эгаси томонидан камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тегишли талаб берилган пайдан бошлаб ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) томонидан;

кўпи билан 20 кун — камчиликларни бартараф этиш тўғрисида автоматотранспорт воситаси эгаси томонидан тегишли талаб берилган пайдан бошлаб савдо корхонаси (унинг функцияларини бажарувчи корхона) томонидан.

128. Автомототранспорт воситасидаги камчиликлар бартараф этилган тақдирда ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган кафолат муддати транспорт воситасидан фойдаланилмаган вақтга узайтирилади. Кўрсатиб ўтилган вақт автоматотранспорт эгасининг камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги талаб билан мурожаат қил-

ган кундан бошлаб ҳисобланади ва автомобилотранспорт воситаси тузатилгандан кейин олинган пайтдан бошлаб тамом бўлади.

129. Нуқсонлари бўлган автомобилотранспорт воситасини сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) томонидан алмаштириш етти кун муддатда (агар алмаштириш тўғрисида талаб берилган пайтда шунга ўхшаш автомобилотранспорт воситаси бор бўлса), сифатни қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса автомобилотранспорт воситаси эгаси томонидан талаб берилган кундан бошлаб 20 кун ичида амалга оширилади. Автомобилларни алмаштириш муддатлари мазкур Қоидаларнинг 127-бандига мувофиқ эксперт комиссияси қарори қабул қилинган санадан бошлаб ҳисобланади.

Шунга ўхшаш автомобилотранспорт воситаси мавжуд бўлмаганда автомобилотранспорт воситаси эгасининг нуқсонли автомобилотранспорт воситасини алмаштириш тўғрисидаги талаби эътироз берилган пайтдан бошлаб бир ой ичида қондирилиши керак.

Автомобилотранспорт воситасини алмаштиришда кафолат муддати автомобилотранспорт воситаси эгасига берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

130. Камчиликлар (носозликлар) пайдо бўлиши масаласида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) автомобилотранспорт воситаси эгаси мурожаат қилган жой бўйича эксперт комиссияси ташкил этади. Комиссия таркибига тайёрловчининг, сотувчининг (унинг функцияларини бажарувчи корхонанинг) вакили ва автомобилотранспорт эгасининг хохиши бўйича истеъмолчилар жамоатчилиги ташкилоти вакили ёки бошқа шахс киради. Автомобилотранспорт воситаси эгаси экспертиза ўтказилишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Комиссия камчилик (носозлик):

а) агар автомобилотранспорт эгаси томонидан автомобилотранспорт воситасидан фойдаланиш бўйича завод йўриқномаси талабларига риоя этмаслик, шу жумладан йўриқномада кўрсатилган фойдаланиш материалларини қўллаш бўйича талабларга риоя этмаслик;

б) автомобилотранспорт воситаси авария натижасида шикастланиши, агар авария автомобилотранспорт воситасининг техник носозлиги натижасида юз бермаса;

в) агар узеллар ва агрегатлар автомобилотранспорт воситаси эгаси томонидан автомобилотранспорт воситасини кафолатли тузатиш пунктига ёки завод вакилига жойида кўрсатмасдан қисмларга ажратилиши ёки тузатилиши;

г) автомобилотранспорт эгаси томонидан автомобилотранспорт воситаси конструкциясига ўзгартиришлар киритилиши, конструкцияси автомобилотранспорт воситасини тайёрловчи завод билан келишилган қўл билан бошқариш деталлари намунавий комплексларини мустақил ўрнатишдан ташқари;

д) агар автомобилотранспорт воситаси эгаси томонидан ўз ташаббуси билан ёки ўз кучи билан стандарт узеллар ва деталлар қисмларга ажратилиши ва норматив-техник ҳужжатларда назарда тутилмаган бошқа узеллар ва деталлар монтаж қилиниши;

е) ишлаб чиқарувчи заводнинг розилигисиз автомобилотранспорт воситасидан пайдаларда ёки мусобақаларда фойдаланиш натижасида;

ж) носозликлар автомобилотранспорт воситаси эгасининг эҳтиётсизлиги (совуққонлиги), нуқсонлар келиб чиқишининг олдини олиш учун зарур хатти-ҳаракатлар кўрмаганлиги оқибатида келиб чиққан дейиш учун етарлича асос бўлган бошқа ҳолларда автомобилотранспорт воситаси эгасининг талабини қўриб чиқмаслиги мумкин.

Мазкур бандда санаб ўтилган сабаблар туфайли пайдо бўлган камчиликларни баргараф этиш умумий асосларда амалга оширилади.

131. Автомобилотранспорт воситаларини тузатиш, нархини пасайтириш, алмашти-

риш учун келтириш ва уларни харидорга қайтариш сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) томонидан текин амалга оширилади.

Ушбу мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) товарни келтириш ва қайтариш билан боғлиқ зарур харажатларни автомобилотранспорт воситаси эгасига тўлашга мажбурдир.

132. Экспертиза ўтказиш, автомобилотранспорт воситасини тузатиш, нархини пайсатириш, алмаштириш учун келтириш ва қайтариш билан боғлиқ харажатларни, агар камчиликлар автомобилотранспорт эгасининг айби туфайли ёки енгиб бўлмайдиган куч оқибатида келиб чиққанлиги исбот қилинмаган бўлса, сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) тўлайди.

133. Мазкур Қоидаларнинг 127 ва 129-бандларида кўрсатилган муддатлар вақти ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи, ишлаб чиқарувчи (унинг функцияларини бажарувчи корхона) автомобилотранспорт воситаси эгасига автомобилотранспорт воситаси қийматининг бир фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

134. Носоз автомобилотранспорт воситаси ана шундай русумдаги автомобилотранспорт воситасига, бироқ ўзгартирилган нарх билан алмаштирилганда қиймати қайта ҳисобланмайди, нарх ошган тақдирда бошқа моделга алмаштиришда қийматни қайта ҳисоблаш алмаштириш кунда амалда бўлган нархдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Носоз автомобилотранспорт воситаси қайтарилганда ва шу муносабат билан олди-сотди шартномаси бекор қилинганда автомобилотранспорт воситаси эгаси билан ҳисоб-китоблар нарх ошган тақдирда — тегишли талаб қўйилган кунда ушбу транспорт воситасининг қийматидан келиб чиқиб, нарх пасайган тақдирда эса — харид кундаги қийматдан келиб чиқиб амалга оширилади.

135. Кафолат муддати тамом бўлган автомобилотранспорт воситасининг камчиликларини бартараф этиш «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Х. Воситачилик савдоси хусусиятлари

136. Воситачилик савдоси якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

137. Воситачилик савдосида ҳисоб ва ҳисобот Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

138. Товарлар воситачилик савдосига юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилиб олинади.

139. Комитент (товарни топширувчи)да, агар олди-сотди шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, товар сотилган (берилган) пайтгача комиссионер (сотувчи) томонидан воситачилик савдосига қабул қилинган товарга мулк эгаси ҳуқуқи сақланиб қолади.

Комиссионер воситачилик савдосига қабул қилинган товарнинг йўқолиши ва шикастланганлиги учун комитент олдида тўлиқ жавоб беради. Комитентга етказилган зарар миқдори ва уни қоплаш тартиби томонларнинг келишувига кўра аниқланади.

140. Товарларни воситачилик савдосига қабул қилиб олиш комиссионер ва комитент томонидан имзоланадиган воситачилик битими (воситачилик шартномаси, квитанция, юк хати ва бошқа турлари) тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Воситачилик битимида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ҳужжатнинг тартиб рақами, у тузилган сана;

томонларнинг (манзили, ҳисоб-китоб рақами, телефони), комиссиянернинг номи ва реквизитлари, паспортига оид маълумотлар ва комитентнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатдаги маълумотлар;

товарнинг номи;

товарнинг ҳолатини тавсифловчи маълумотлар: янги, фойдаланилган, эскириш даражаси, асосий товар белгилари, товарнинг нуқсонлари;

товарнинг нархи;

воситачилик тақдирлаш ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби;

товарни воситачилик савдосига қабул қилиб олиш шартлари;

товарни арзонлаштириш тартиби ва арзонлаштириш миқдори;

товар арзонлаштирилгунгача ва ундан кейин уни сотиш муддатлари;

комиссионер томонидан сотилмаган товарни комитентга қайтариш шартлари ва тартиби;

комиссионер ва комитент ўртасидаги ҳисоб-китоблар шартлари ва тартиби;

агар томонларнинг келишувига кўра ушбу харажатлар қопланиши керак бўлса, воситачилик савдосига қабул қилинган товар сақланганлиги учун комиссиянернинг харажатларини тўлаш миқдори.

Томонларнинг келишувига кўра воситачилик битимига қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча шартлар киритилиши мумкин.

Агар воситачилик савдосига бир нечта товар топширилса, уларнинг номлари ва нархлари воситачилик битимининг ажралмас қисми ҳисобланган товарлар рўйхатида кўрсатилиши мумкин.

Воситачилик битими икки нусхада тузилади: биринчи нусхаси комитентга топширилади, иккинчи нусхаси комиссиянерда қолади.

141. Унга нисбатан товарнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги, яроқлилиқ муддатлари ёки хизмат кўрсатиш муддатлари тасдиқланиши тўғрисида ахборот тақдим этилиши керак бўлган товар фақат ана шундай ахборот мавжуд бўлган тақдирда воситачилик савдосига қабул қилинади ва сотилади.

142. Воситачилик савдосига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида чакана савдода сотиш тақиқланган товарлардан бошқа барча товарлар қабул қилинади.

Мазкур Қоидаларнинг 15-бандида санаб ўтилган товарлар воситачилик савдосига фақат мазкур бандда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади.

143. Антиквариат буюмларини воситачилик савдосига қабул қилиб олиш ва сотиш мазкур Қоидаларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг антиквариат буюмларини сотиш тартибини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

144. Озиқ-овқат товарлари билан воситачилик савдоси мазкур Қоидаларнинг 49-банди талабларига мувофиқ амалга оширилади.

145. Қайтарилмайдиган ёки бошқа ўлчам, шакл, габарит, модель, ранг ёки комплектациядаги ана шундай товарга алмаштирилмайдиган товарлар; профилактикага ва касалликларни уй шароитида даволашга мўлжалланган товарлар; шахсий гигиена буюмлари, пардоз-андоз товарлари, тикув ва трикотаж ич кийимлари, пайпоқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда ишлатилган полимер материаллардан ясалган, шу жумладан бир марта фойдаланиш учун мўлжалланган буюмлар ва материаллар, фойдаланилган буюмлар ва материаллар, маиший кимё товарлари, дори-дармон воситалари воситачилик савдосига қабул қилинмайди.

146. Воситачилик савдосига қабул қилинадиган товарларнинг нархи ва комиссиянернинг тақдирлаш пули комитент билан комиссиянер ўртасидаги ўзаро аҳд-

лашувга кўра белгиланади, бу воситачилик битимида қайд этилади (ёзиб қўйилади) ва ҳар иккала томоннинг имзолари билан тасдиқланади.

147. Муайян вақт мобайнида сотилмаган товарни қайта баҳолаш воситачилик битими шартларидан келиб чиқиб комиссиянер томонидан амалга оширилади, унга мазкур ҳужжатларни имзолаш чоғида комитент розилик билдиради. Товарларни қайта баҳолаш комитентни чақирмасдан амалга оширилиши мумкин, комитентнинг воситачилик битимидаги имзоси билан унинг бу шартларга розилиги тасдиқланади.

148. Сотилган товар учун пул комиссиянер томонидан берилган воситачилик битими ва фуқаролик паспорти тақдим этилган ҳолда сарф-харажат-касса далолатномаси бўйича комитентга — жисмоний шахсга тўланади.

149. Сотилган товар учун пул тўлаш, шунингдек сотилмаган товарни қайтариш комиссиянер томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва воситачилик шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач комитент томонидан вакил қилинган шахсга берилиши мумкин.

150. Давлат даромадига ўтиши керак бўлган эгасиз мол-мулк мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган мол-мулк ва хазинани ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

151. Фойдаланилган товарлар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда сотилиши керак бўлган товарлар (давлат даромадига ўтиши керак бўлган мол-мулк, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган мулк; эгасиз мол-мулк; судларнинг ҳукмлари ва қарорларини ижро этиш юзасидан етказилган зарарни қоплаш учун фуқаролардан олиб қўйилган мол-мулк; ва ҳоказолар) фақат бундай воситачилик савдосини амалга оширувчи ихтисослаштирилган савдо объектлари орқали сотилади.

152. Кафолат муддати тамом бўлмаган фойдаланилган товарларни сотишда харидорга комитентдан олинган кафолат талони, паспорт, сервис дафтарчаси ёки кафолатнинг қолган муддатидан сотувчининг фойдаланиши ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилади.

153. Воситачилик савдосини амалга оширувчи ихтисослаштирилган савдо объектларидан сотиб олинган фойдаланилган товарлар харидорлардан қайтариб олинмайди, товарларни сотиш учун қабул қилишда аниқланмаган нуқсони бўлган товарлар, ва агар улар харид қилингандан кейин 2 иш кунидан кечикмай қайтарилса бундан мустасно. Қабул қилиб олиш пайтида аниқланмаган нуқсони бўлган товарларни қайтаришда улар сақланганлиги учун тўлов ундирилмайди.

154. Сотиш учун қабул қилиб олиш пайтида аниқланмаган ва харидорга сотиш (бериш)гача аниқланган яширин нуқсони бўлган янги товарлар сотишдан олиб қўйилиши ва, агар нуқсонлар комиссиянернинг айби билан пайдо бўлганлиги исбот қилинмаса, товарлар сақланганлиги учун комиссиянернинг харажатларига ҳақ тўланмасдан комитентга қайтарилиши керак.

155. Комитент комиссиянерга берилган топшириқни бекор қилиб исталган пайтда воситачилик битимини бажаришни рад этишга ҳақлидир. Комиссиянер топшириқ бекор қилинганлиги туфайли келиб чиққан зарарлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Комитент воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, дарҳол ўзининг комиссиянернинг ихтиёридаги мулкни тасаруф қилиши керак. Агар комитент ушбу мажбуриятни бажармаса, комиссиянер товарни комитентнинг ҳисобидан сақлаш учун топширишга ёхуд уни комитент учун қулайроқ нархда сотишга ҳақлидир.

156. Комитентнинг воситачилик шартномасини зарур даражада бажармаслик билан боғлиқ бўлган талаблари комиссиянерга, агар томонларнинг битишувида ўзга-

ча муддат белгиланмаган бўлса, сотилган товар учун комитентга пул тўланган ёхуд сотилмаган товар унга қайтарилмаган кундан бошлаб 30 кун мобайнида берилиши керак.

XI. Тўқимачилик, трикотаж, тикув буюмлари, мўйнали товарлар ва пойабзални сотиш хусусиятлари

157. Тўқимачилик товарлари (газламалар ва ногазлама материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар), трикотаж буюмлар, тикув товарлари (кийим-кечак, ички кийимлар, бош кийимлар), мўйнадан тайёрланган буюмлар ва пойабзал савдо залига қўйилгунгача савдо олди тайёргарлигидан ўтиши керак. Савдо олди тайёргарлиги қўйидагиларни ўз ичига олади: товарни ўровдан олиш, сортларга ажратиш ва кўздан кечириш; товарнинг сифатини (ташқи белгиларига кўра) ҳамда товар ва уни тайёрловчи тўғрисида зарур маълумотлар борлигини текшириш; зарурат бўлганда буюмларни тозалаш ва дазмоллаш ҳамда майда тузатиш.

158. Сотувга тавсия этилаётган товарлар турлари, моделлари, ўлчамлари, бўйига кўра гуруҳларга ажратилиши ва савдо залига қўйилиши керак. Савдо хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда савдо залида харидорга танлаш ва ўзига керакли товарни харид қилиш имконини берувчи сотиш учун тавсия қилинаётган товарларнинг намуналари қўйилиши керак.

Эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган трикотаж, тикув буюмлари, мўйнали товарлар ва пойабзал савдо залида алоҳида жойлаштирилиши керак.

Газламалар турларига ва улар тайёрланган толанинг хилига кўра, мўйнали товарлар мўйнанинг турига кўра гуруҳларга ажратилади.

Газламанинг ҳар бир намунасига шунингдек у тайёрланган толанинг фоиз миқдори тўғрисидаги, мўйнадан ясалган буюмларга эса мўйнанинг тури тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши керак.

159. Товарлар ўз номи, артикули, нархи, ўлчами (кийим-кечак, ички кийимлар ва бошқа тикув буюмлари, пойабзал, бош кийимлар учун) ва бўйи (кийим-кечак ва ички кийимлар учун) кўрсатилган ҳолда ёрлиқларга эга бўлиши керак.

160. Сотувчи харидорга тикув, устки трикотаж буюмлар, бош кийимлар, мўйнали товарлар ва пойабзални кийиб кўриш учун шароитлар яратиши керак. Ушбу мақсадда савдо заллари банкетка ёки скамейкалар, қўйгичлар ўрнатилган, кийим кийиб кўриладиган ойнали хоналар билан жиҳозланиши керак.

161. Харидорга сотишда жун газламалар, ватин ва бошқа оғир, ҳажмли газламаларни кийиб кўриш пештахта (стол) эркин ҳолатда йиғилмасдан турган газламага қаттиқ стандарт метрни қўйиш йўли билан амалга оширилади. Нозик ва енгил газламалар хонтахтадан газламани метрга тортмасдан эркин қўйиш йўли билан қаттиқ стандарт метрда ўлчанади. Газламанинг барча турларини ўлчаш, жун газламалар ва трикотаж полотнолардан ташқари, шунингдек бир томонига тамғали металл ўлчов лентаси монтаж қилинган пештахта (стол)га газламани қўйиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Харидга қирқилган газламани қўшиш, шунингдек газламани, агар беаги бузилган бўлса ва тамға тескари томонга қўйилмаган бўлса, парчаларини фабрика ёрлиғи ва тамға (ҳазли учлар) билан сотиш тақиқланади.

162. Сотувни амалга ошираётган шахс газлама, кийим-кечак, мўйнали товарлар ва пойабзални сотишда харидорнинг иштирокида товарнинг сифатини (сиртдан кўздан кечириш йўли билан), ўлчам (сони)нинг аниқлигини, харид қиймати тўғри ҳисоблаб чиқилганлигини текширади.

163. Газлама, кийим-кечак, мўйнали товарлар ва пойабзал харидорга ўралганлиги учун қўшимча ҳақ ундирилмасдан ўралган ҳолда берилади.

164. Товар билан биргаликда харидорга товар чеки берилади, унда товар ва сотувчининг номи, сотилган сана, товарнинг артикули, сорти ва нархи кўрсатилади, шунингдек сотувни бевосита амалга оширган шахснинг имзоси қўйилади.

ХII. Техник жиҳатдан мураккаб маиший товарларни сотиш хусусиятлари

165. Маиший радиоэлектрон аппаратлар, алоқа воситалари, ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси, фото ва киноаппаратлар, соатлар, мусика товарлари, маиший электр приборлари, машина ва жиҳозлар, техник жиҳатдан мураккаб бошқа маиший товарлар савдо залига ёки харидни бериш жойига чиқарилгунга қадар савдоолди тайёргарлигидан ўтиши керак, у товарни очиш, завод мойларини, чангларни, қириндиларни тозалаш; товарни кўздан кечириш; буюмнинг бутлигини, сифатини текшириш, товар ва унинг тайёрловчиси, зарурат бўлганда буюмни йиғиш ва созлаш тўғрисидаги зарур маълумотлар мавжудлигини текширишларни ўз ичига олади.

166. Сотувга қўйилган товарлар намуналари савдо залига жойлаштирилиши, уларда товарнинг номи, маркаси, модели, артикули, нархи кўрсатилган ёрлиқлари, шунингдек унинг асосий техник тавсифлари ёзилган қисқача аннотация бўлиши керак.

167. Харидорнинг талабига кўра у товарларнинг тузилиши ва ишлаши билан таништирилиши, товарлар йиғилган, техник жиҳатдан соз ҳолатда намоиш қилиниши керак. Ишлатиш учун махсус жиҳозни талаб қилмайдиган товарлар ишлаётган ҳолатда намоиш қилинади.

168. Сотувчи харидор иштирокида товарнинг сифатини, унинг бутлигини, унга тааллуқли ҳужжатларнинг мавжудлигини, нархининг тўғрилигини текширади.

169. Техник жиҳатдан мураккаб маиший товарларни харидорга бериш чоғида айни бир вақтда товарни тайёрловчи томонидан қўйилган буюмлар ва ҳужжатлар комплекти (сотиш санаси ва жойи кўрсатилган техник асбоб ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат, ишлатиш бўйича йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар) ҳам берилади. Чет элда ишлаб чиқарилган товарларнинг ишлатиш бўйича йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлари харидорга давлат тилида тақдим этилади. Бунда уларнинг таржимаси учун харажат харидорлардан ундирилмайди. Харидорга товар билан бирга ушбу Қоидаларнинг 164-бандида кўрсатилган маълумотлардан иборат бўлган товар чеки ҳам берилади.

170. Сотувчи ёки сотувчи функциясини бажарувчи ташкилот улар билан шартнома бўйича техник жиҳатдан мураккаб бўлган, стандартлар ёки товарга илова қилинган ҳужжатлар (техник паспорт, ишлатиш бўйича йўриқнома) талабларга мувофиқ товарни харидор томонидан мустақил равишда йиғиш ва (ёки) ишлатишга йўл қўйилмайдиган товарларни харидорнинг уйида йиғиши ва (ёки) ўрнатиши (ишлатиши) шарт.

Кўрсатиб ўтилган ишларни бажарувчи ташкилотлар тўғрисида маълумотларни сотувчи товарларни сотиш чоғида харидорга маълум қилиши шарт.

Агар товарни йиғиш ва (ёки) ўрнатиш қиймати унинг нархига киритилган бўлса, у ҳолда мазкур ишлар сотувчи ёки тегишли ташкилот томонидан бепул бажарилиши керак.

ХIII. Атторлик-пардоз товарларини сотиш хусусиятлари

171. Атторлик-пардоз товарлари тўғрисидаги маълумотларда ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, муайян товар хусусият-

ларини ҳисобга олган ҳолда унинг мақсадда ишлатилиши, буюм таркибига кирувчи ингредиентлар, таъсири ва самараси, қўлланиш учун чеклашлар (ишлатиш мумкин бўлмаган ҳолатлар), қўлланиш усуллари ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

172. Атторлик-пардоз товарлари савдо залига қўйилгунгача очилади ва кўрикдан ўтказилади, ҳар қайси товарнинг (ташқи белгилари бўйича) сифати ҳамда унинг тўғрисидаги зарур маълумотлар мавжудлиги текширилади.

173. Харидорга атирлар, одеколонлар, пардоз сувининг ҳиди билан танишиш имконияти, бунинг учун хушбуй суюқлик шимдирилган лакмус қоғозчалари, товарларни тайёрловчилар томонидан бериладиган ҳидлаш учун намуналар, шунингдек сотувга қўйилган товарларнинг бошқа хоссалари ва тавсифлари билан танишиш имконияти яратилади.

174. Товарлар целлофан ёки фирма лентаси билан ўралган ҳолда берилган тақдирда харидорга ўрамдаги буюмни целлофан ёки фирма лентасини ечиш йўли билан текшириб кўриш тавсия қилиниши керак. Товарнинг аэрозоль идишининг соз ҳолатдалиги товар сотувчи томонидан харидор иштирокида текширилади.

XIV. Ҳайвон ва ўсимликларни сотиш хусусиятлари

175. Сотувга қўйиладиган ҳайвон ва ўсимликлар тўғрисидаги маълумотларда ушбу қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, улар турининг номи, сақлаш ва кўпайтириш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак. Сотувчи шунингдек қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни қидириб топишга (тайёрлашга) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган рухсатнома (лицензия) тартиб рақами ва санаси;

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг муайян турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтиришга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган рухсатноманинг тартиб рақами ва санаси;

сотувга қўйиладиган ёввойи ҳайвон унинг бир қисми ҳисобланадиган зоология коллекциясига, давлат ҳисобига қўйилган зоология коллекциялари реестрига кириши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган гувоҳноманинг тартиб рақами ва санаси (ноэркин ҳолда кўпайтирилган ва зоология коллекциясининг бир қисми ҳисобланадиган ёввойи ҳайвонлар учун).

176. Сотувга мўлжалланган ҳайвонлар стандартларнинг мажбурий талабларига жавоб берадиган шароитларда, ҳайвонларга мурувватли муносабатда бўлишнинг умумий қабул қилинган нормаларига мувофиқ равишда сақланиши керак.

177. Товар билан биргаликда харидорга сотишни бевосита амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган товар чеки берилади, унда ҳайвон ёки ўсимликлар турининг номи ва сони, сотувчининг номи, сотиш санаси, нархи; ушбу Қоидаларнинг 190-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бирининг тартиб рақами ва санаси тўғрисидаги маълумотлар (ёввойи ҳайвон ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликни сотишда); Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳайвоннинг соғлигини тасдиқловчи ветеринария гувоҳномаси (ветеринария маълумотномаси) кўрсатилади.

XV. Майший кимё товарларини сотиш хусусиятлари

178. Майший кимё товарлари (хоналар, мебель, идишлар, майший анжомлар ва

уй-рўзгор буюмлари, ички кийимлар, кийим-кечаклар, пойафзал, автомобилларни ювиш, тозалаш воситалари ва бошқа воситалар; елимлар, лаклар, бўёқлар ва бошқа лак-бўёқ маҳсулотлари; дезинфекциялаш воситалари ва маиший шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган маиший хашаротлар ва кемирувчиларга қарши курашиш воситалари; маиший шароитларда таъмирлаш ва пардозлаш ишлари учун мўлжалланган кимёвий моддалар, уларнинг бирикмалари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳамда шунга ўхшаш бошқа товарлар) тўғрисидаги маълумотларда ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари куйидагилар бўлиши керак:

маиший кимё товарлари таркибига кирувчи ингредиентлар номи;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси ва тартиб рақами (дезинфекцияловчи воситалар, маиший хашаротлар ва кемирувчиларга қарши курашиш воситалари учун);

техник гувоҳноманинг санаси ва тартиб рақами (қурилишда қўлланиш учун яроқлилигини тасдиқлаш бўйича мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун);

сақлаш шартлари (сақлаш шароитларига мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун).

179. Маиший кимё товарлари савдо залига қўйилгунгача (сотиш жойига жойлаштирилгунгача) савдоолди тайёрланишидан ўтиши керак, у ташиш идишидан бўша тиш, товарни сортларга ажратиш, идишининг бутлигини (шу жумладан аэрозоль идишнинг ишлашини) ва товар сифатини (ташқи белгилари бўйича), товар ва унинг тайёрловчиси тўғрисидаги зарур маълумотларнинг, товарларни қўлланиш бўйича йўриқномаларнинг мавжудлигини, нархларининг тўғрилигини текширишдан иборат бўлади.

180. Сотувга қўйилган маиший кимё товарлари уларни танлашнинг қулайлигини таъминлаш учун буюмнинг қандай мақсадга мўлжалланганлигига кўра турларга ажратилган бўлиши керак.

181. Аэрозоль идишдаги маиший кимё товарларини харидорга беришда савдо биносиди идишнинг ишлашини текшириш амалга оширилмайди.

XVI. Пестицидлар ва агрохимикатларни сотиш хусусиятлари

182. Пестицидларни (ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларига, бегона ўтларга, сақланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари зараркунандаларига, маиший зараркунандаларга ва ҳайвонларнинг ташқи зараркунандаларига қарши курашиш учун шахсий ёрдамчи хўжаликларда фойдаланиладиган кимёвий ёки биологик препаратларни, шунингдек ўсимликларнинг ўсишини тартибга солиш, йиғим-теримдан олдин барглари тўктириш, ўсимликларни ўриш-йиғишдан олдин қуритиш учун фойдаланиладиган кимёвий ёки биологик препаратларни) ҳамда агрохимикатларни (шахсий ёрдамчи хўжаликларда фойдаланиладиган ўғитлар, шу жумладан тупроқ грунтлари, кимёвий мелиорантлар ва озуқа қўшимчаларини) сотиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ушбу Қоидаларда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

183. Пестицидлар ва агрохимикатлар тўғрисидаги маълумотларда ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларида кўрсатилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган пестицид ёки агрохимикатни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасининг тартиб рақами ва санаси, унинг хавфлилик классификацияси, таъсирчан модда концентрацияси, нетто массаси ёки ҳажми, тайёрланган

санаси, захарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак.

184. Пестицидлар ва агрохимикатлар савдо залига қўйилгунгача савдоолди тайёрлашдан ўтиши керак, у товарни очиш ва идишининг сифатини текшириш; сортларга ажратиш; зарур маълумотлар, қўлланиш бўйича йўриқномалар мавжудлигини, нархларининг тўғрилигини текширишдан иборат бўлади.

185. Савдо залида пестицидлар ва агрохимикатлар ишлатилиш мақсади (ўсимликларни ҳимоя қилиш учун инсектицидлар, ҳайвонларни ҳимоя қилиш учун инсектицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, родентицидлар, минерал ўғитлар, органик ўғитлар, тупроқ грунтлари, мелиорантлар, озука қўшимчалари) бўйича гуруҳларга ажратиши керак.

Сотувчи пестицидлар ва агрохимикатларни сақлашда, савдо залига жойлаштиришда ва сотишда хавфсизликнинг мажбурий талабларига риоя қилинишини таъминлаши шарт.

186. Пестицидлар ва агрохимикатларни сотиш фақат тайёрловчининг идишида ва қўлланиш бўйича йўриқнома мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

XVII. Дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш

187. Дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

XVIII. Ушбу Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш

188. Ушбу Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Назорат органлари (муассасалари) ушбу Қоидаларга риоя этилишини текширишга мутахассисларни, истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этиши мумкин. Савдо қорхоналари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар текширувчи шахсларга текширишларни ўтказишда ва камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўришда кўмаклашиши керак.

XIX. Савдо қоидалари бузилиши турлари

189. Ушбу Қоидаларни бузганлик қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноий кодексига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади:

нархларни асосиз равишда ошириш;

товарлар, маҳсулотларни нотўғри ўлчаш, нотўғри тортиш ёки хизматлар кўрсатмаслик;

сотувчининг касса чеки, квитанция, счётлар беришдан бош тортиши;

харидорга товарнинг сифати, бутлиги, ўлчами, оғирлигини текшириш имконияти яратишдан бош тортиш;

харидорга узок муддат фойдаланиладиган сифати, ёмон товарни таъмирлаш ёки алмаштириш даврида яхши сифатли ана шундай товарни беришдан бош тортиш;

носоз ёки тамғаланмаган тортиш ва ўлчаш приборларидан фойдаланиш;

товарларнинг мажбурий рўйхатига риоя қилмаслик;

қўйидагиларга:

назорат-касса машиналарини қўллаш тартибига;

видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасалар фаолият кўрсатиши тартибига;

ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш тартибига;

алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш тартибига риоя қилмаслик;

қўйидагиларни:

сифатсиз, бут бўлмаган товарларни, кулинария буюмларини ва атайин ностандарт маҳсулотларни сотиш, шунингдек харидорга сотилган сифатсиз, бут бўлмаган товарни алмаштириб беришдан ёки пулларни қайтариб беришдан бош тортиш;

товарларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ёки сертификацияланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотиш;

ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида тайёрловчининг номи ва жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган товарларни сотиш;

яроқлилиқ муддати ўтган товарларни сотиш;

кимёвий моддалар колдиклари юқори микдорда мавжуд бўлган кишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш.

190. Ушбу Қоидалар талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари:

товарнинг ёнма-ён туришига риоя қилинмаганда ва товарларнинг сақлаш шароитлари бузилганда;

савдонинг зарур шарт-шароитлари ва харидорлар томонидан товарларни танлаш имконияти мавжуд бўлмаганда;

корхонанинг номи, унинг иш режими тўғрисидаги маълумотлар бўлмаганда, харидорга ушбу Қоидаларда назарда тутилган маълумотларни бериш рад этилганда;

савдо объекти иш режимига риоя қилинмаганда;

товарларда нархномалар бўлмаганда ёки атайин нотўғри расмийлаштирилган нархномалар қўйилганда;

битта товарни сотиш учун бошқа товарни мажбуран сотиб олиниши ёки уларнинг сотилиши муносабати билан мажбурий равишда хизматлар кўрсатилиши шарт қилиб қўйилганда;

харидорнинг зарур даражада сифатли бўлмаган ноозик-овқат товарларини алмаштириш бўйича ушбу Қоидаларда назарда тутилган талабларига риоя қилинмаганда;

рухсат берилмаган анжом қўлланилганда;

стандарт талабларига, техник шартларга жавоб бермайдиган товарлар сотилганда қўлланилади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификациялаш тўғрисида»ги қонунлар моддалари ва ушбу Қоидалар талаблари бузилганлиги жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида
чакана савдо қоидаларига
1-ИЛОВА

Зарур сифатдаги, қайтариб олинмайдиган ёки шунга ўхшаш товарга алмаштирилмайдиган ноозик-овқат товарлари РЎЙХАТИ

1. Уй шароитларида касалликларни профилактика қилиш ва даволаш учун то-

варлар (металл, резина, тўқимачилик ва бошқа материаллардан тайёрланган санитария ва гигиена буюмлари, тиббий жиҳозлар, приборлар ва аппаратлар, оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари, кўзойнак линзалари, болаларни парвариш қилиш буюмлари, дори-дармонлар.

2. Шахсий гигиена буюмлари (тиш чўткалари, тароқлар, соч тўғноғичлар, соч бигудилари, улама сочлар, шиньонлар ва бошқа шу каби товарлар.

3. Атторлик-пардоз товарлари.

4. Тўқимачилик товарлари (ип-газлама, зиғир толали, ипак, жун ва синтетик газламалар, газлама тусидаги нотўқима материаллардан тайёрланган товарлар — ленталар, жияклар, тўрлар ва бошқалар); кабель маҳсулотлари (симлар, шнурлар, кабеллар); қурилиш ва пардозлаш материаллари (линолеум, плёнка, гилам қопламалар ва бошқалар) ҳамда метрлаб сотиладиган бошқа товарлар.

5. Тикувчилик ва трикотаж буюмлари (тикувчилик буюмлари ва трикотаж ички кийимлар, пайпоқ ва қўлқоп буюмлари).

6. Полимер материаллардан тайёрланган, озиқ-овқат материаллари билан боғлиқ бўлган, шу жумладан бир марта фойдаланиладиган буюм ва материаллар (ошхона ва кухня идиш-товоқлари ва анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташиш учун идишлар ва ўров материаллари).

7. Маиший кимё товарлари, пестицидлар ва агрохимикатлар.

8. Мебель (мебель гарнитурлари ва тўпламлари).

9. Қимматбаҳо тошлардан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо металллардан тайёрланган, ярим қимматбаҳо ва синтетик тошлардан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмлар, силлиқланган қимматбаҳо тошлар.

10. Автомобиллар ва мототехника товарлар, уларга тиркамалар ва номерли агрегатлар; қишлоқ хўжалиги ишлари учун кичик механизация кўчма воситалари; сайр қилиш қайиқлари ва бошқа маиший сузиш воситалари.

11. Кафолат муддатлари белгиланган техник жиҳатдан мураккаб маиший товарлар (металл қирқувчи ва ёғочга ишлов берувчи маиший дастгоҳлар; маиший электр машиналари ва приборлари; маиший радиоэлектрон аппарат; маиший ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси; фото ва киноаппаратлар; телефон аппаратлари ва факсимиль аппарати; электр мусиқа асбоблари; электрон ўйинчоқлар).

12. Ҳайвонлар ва ўсимликлар.

Ўзбекистон Республикасида
чакана савдо қоидаларига
2-ИЛОВА

**Харидорнинг таъмирлаш даврида унга текин бериб туриш
ёки худди шундай марка (модель, артикул)даги товарни
алмаштириш тўғрисидаги талаби татбиқ этилмайдиган узоқ
муддат фойдаланиладиган товарлар
РЎЙХАТИ**

1. Автомобиллар, мотоцикллар ва мототехниканинг бошқа турлари, уларга тиркамалар ва номерли агрегатлар (ногиронлар фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар, сайр қилиш қайиқлари ва сузиш воситаларидан ташқари).

2. Мебель.

3. Пардоз буюмлари сифатида ва тиббий мақсадларда фойдаланиладиган маиший электр приборлари (электрбритвалар, электрофенлар, сочни жингалак қилиш учун

электрқисқичлар, тиббий электррефлекторлар, электргрелкалар, электрбинтлар, электрпледлар, электродеяллар).

4. Маҳсулотларни термик қайта ишлаш ва овқат тайёрлаш учун фойдаланиладиган маиший электр приборлари (маиший СВЧ печлари, электрпечлар, тостерлар, электр сув қайнатгичлар, электрчайниклар, электрситгичлар ва бошқа товарлар).

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар, мулкчилик шаклларида ва идоравий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий овқатланиш соҳасидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар ишларига асосий талабларни тартибга солиди.

2. Умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъект — бу умумий овқатланиш соҳасида кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича функцияларни бажарувчи, савдо ҳуқуқига белгиланган тартибда рухсатнома олган юридик шахсдир*.

Рухсатнома, умумий овқатланиш корхонасига у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин, унинг жойлашган жойидаги ҳокимият томонидан берилади.

Рухсатномани бериш, қайтариб олиш ва унинг амал қилишини тўхтатиб туриш Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 16 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган.

3. Умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги талаблар асосида мулкдор деб белгиланадиган қуйидаги турларга бўлинади: ресторан, вагон-ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона:

ресторан — ўз номига эга бўлган, истеъмолчиларга мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг кенг ассортиментини ҳамда ичимликларни тақдим этадиган энг қулай умумий овқатланиш корхонаси. Ресторан таомномасига мажбурий тартибда порцияли ва фирма овқатлари киритилади. Хизмат кўрсатиш дам олиш, овқатлар пишириш ва хизмат кўрсатиш билан уйғунлаштирилган ҳолда юқори малакали ошпазлар ва официантлар томонидан амалга оширилади;

вагон-ресторан — йўлда юриш давомида темир йўл транспорти йўловчиларига ва поезд бригадалари ходимларига нонушталар, тушликлар, кечки овқатлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва ичимликлар билан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади;

* Ушбу таъриф умумий овқатланиш соҳасида уй шароитларида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарори билан махсус ажратиладиган жойларда овқатланиш жойлари ташкил этмасдан донали таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга татбиқ этилмайди.

бар — тик турган ҳолда истеъмолчиларга ичимликлар ва закускалар билан хизмат кўрсатишни (столчалар ёнида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда) ташкил қилади. Сотиладиган ичимликлар ва маҳсулотлар турларига кўра барлар пиво, вино, коктейль, сут барлари ва бошқа барларга ихтисослашган бўлади;

кафе — истеъмолчиларга турли қайноқ ва совуқ ичимликлар, қандолатчилик, сут маҳсулотлари ҳамда тайёрланиши мураккаб бўлмаган кулинария маҳсулотларини тақдим этади. Сотиладиган маҳсулотлари ёки йўналишига кўра кафелар: ширинликлар, музқаймоқ, сут кафеси, болалар кафеси, ёшлар кафеси ва шу кабиларга ихтисослашган бўлади; уларда ўз ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш усуллари қўлланилади; кечки вақтларда мусиқий хизмат кўрсатиш ташкил этилиши мумкин;

ёзги кафе — истеъмолчиларга очик майдончада бостирма остида хизмат кўрсатади;

кафетерий — бу дўкон ҳузурида шу жойнинг ўзида истеъмол қилинадиган иссиқ ичимликлар, сут, шарбатлар, бутербродлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун ташкил этилган бўлимдир;

ошхона — бу истеъмолчиларни нонушталар, тушликлар ва кечки овқатлар билан таъминловчи корхонадир. Ошхоналар жойлашган жойига ва хизмат кўрсатиладиган мижозларига кўра умумий равишда фойдаланиладиган sanoat корхоналари, муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари ва шу кабилар ҳузуридаги ошхоналарга бўлинади. Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари ва муассасалар ҳузуридаги ошхоналарда асосан ҳафта кунлари бўйича турли хил комплекс тушликлар, нонушталар ва кечки овқатлар ташкил этилади. Уларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва столларга комплекс овқатларни олдиндан қўйиш усуллари қўлланилади;

чайхона — бу чайнакларда чай бериш хизмат кўрсатишнинг асосий тури ҳисобланадиган корхонадир. Бундан ташқари чайхоналарда турли хил обинонлар, миллий ширинликлар, қандолатчилик, булка маҳсулотлари ва бошқа буфет маҳсулотлари бўлиши мумкин;

буфет — бу истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимликлар, совуқ таомлар ва закускалар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек осон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан жадал хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхонадир. Унда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш қўлланилади;

кичик ошхона — бу истеъмолчиларга осон тайёрланадиган таомлар ва закускалар, қайноқ ва салқин ичимликлар билан жадал хизмат кўрсатишни ташкил этувчи корхонадир. Сотиладиган маҳсулотлар турига кўра кичик ошхоналар қўйидагиларга ихтисослашган бўлиши мумкин: кабобхона, паловхона, сомсахона, сосискахона, чучварахона, чебурекхона, пирожкахона, блинчикхона ва шу кабилар.

4. Савдо, омборхона, ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший биноларга, маҳсулот ишлаб чиқариш анжомлари ва жиҳозларига, технология режимларига, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этишга, кўрсатиладиган хизматларга қўйиладиган талаблар ва мезонлар амалдаги стандартлар, санитария нормалари, техника хавфсизлиги қоидалари, ёнғиндан сақлаш ва бошқа талабларга мувофиқ белгиланади.

5. Умумий овқатланиш субъекти маҳсулотлар ва товарларни сотишни, истеъмолни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишни ушбу бобнинг 6-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ҳам савдо залларида, ҳам улардан ташқарида амалга ошириши мумкин.

6. Товарларни сақлаш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ умумий овқатланиш савдо объектида ишлайдиган ходим махсус тайёрликка эга бўлиши, қўйидагилар:

ушбу Қоидалар;
санитария-нормалари ва талаблари;
ёнғиндан сақлаш нормалари;
стандартлар талаблари;
техника хавфсизлиги қоидалари билан танишган бўлиши ва уларга риоя қилиши керак.

7. Хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари штатида ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳажмда камида битта хорижий тилни (инглиз, немис, француз тилини) биладиган ходимлар (метрдетеллар, официантлар) бўлиши керак. Ушбу корхоналарда фирма жилдларида, давлат тилида ва хорижий тилларда ёзилган таомнома бўлиши керак.

8. Умумий овқатланиш субъекти истеъмолчиларга ўзининг тўлиқ номи, иш режими, тавсия этиладиган маҳсулотлар, товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги зарур ва ишончли маълумотларни кўргазмани ва қулай шаклда етказиши шарт, маълумотларда тўғри танлаш имкониятини таъминлайдиган камида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

маҳсулотлар ва товарлар рўйхати;

умумий овқатланиш маҳсулотларининг тайёр таомлари порцияларининг умумий вази (ҳажми), тавсия этилаётган ичимлик бутилкасининг сизими ва унинг порциялари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатиш шартлари;

хизматлар нархи ва уларни тўлаш шартлари.

9. Умумий овқатланиш савдо объектларининг иш режими, мулкчилик шаклидан қатъи назар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, саноат корхоналари, муассасалар, ўқув юртлари ҳузуридаги умумий овқатланиш корхоналарининг иш режими эса — шунингдек маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади.

Тасдиқланган иш соатларига мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан мажбурий тартибда риоя қилиниши керак.

Умумий овқатланиш корхонаси (режали санитария тадбирларини ўтказиш, таъмирлаш ва шу кабилар учун) ёпилган тақдирда корхона камида бир ҳафта олдин тегишли эълонни осиб қўйиши керак.

10. Официантлар хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектларига мижозларни киритишни уларнинг ёпилишидан 30 дақиқа олдин, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули бўйича ишлайдиган умумий овқатланиш объектларига эса — уларнинг ёпилишидан 15 дақиқа олдин тўхтатишга йўл қўйилади.

11. Умумий овқатланиш корхонаси қўлланишга рухсат этилган ўлчаш воситаларига эга бўлиши ва уларни соз ҳолатда сақлаши, ўз вақтида ва белгиланган тартибда метрологик текширишдан ўтказиши шарт.

12. Барча ўлчаш воситалари, тортиш ва ўлчаш приборлари, кўриниб турадиган ишонч тамғасига ёки «Ўзстандарт» агентлиги органларининг амал қилиш муддати ўтмаган текшириш гувоҳномаси соз ҳолатда, тоза, тўғри ўрнатилган бўлиши, белгиланган мақсадда қўлланилиши ҳамда ўлчашларнинг ягоналигини ва ишончилигини таъминлаши ва тегишли паспортга эга бўлиши керак.

Носоз ва қўлланишга рухсат этилмаган ўлчаш воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

13. Истеъмолчилар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Умумий овқатланиш объекти раҳбари ходимни назорат-касса машиналарини ишлатиш қоидалари билан таништириши шарт.

14. Умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект овқат учун ҳисоб-китобларнинг олдиндан тўлаш, таомлар танлангандан кейин тўлаш, овқатланиб бўлгандан кейин тўлаш, ўзи ҳисоблаш каби турли усуллари-дан фойдаланиши мумкин. Овқат учун ҳисоб-китоблар шакллари хизмат кўрсатиш методига, хизмат кўрсатиладиган мижоз спецификасига, савдо объекти турига ва унинг ихтисослашганлигига кўра белгиланади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули бўйича ишлайдиган умумий овқатланиш объектларида ва кулинария дўконларида (бўлимларида) ҳисоб-китоб вақтида истеъмолчига касса чеки берилади.

Хизмат кўрсатиш официантлар томонидан амалга ошириладиган барча умумий овқатланиш объектларида берилган маҳсулот учун ҳақ тўлаш официант берган счёти ёки белгиланган намунадаги назорат-касса машиналари чеки бўйича амалга оширилади.

Доимий мижозларга (ишчилар, хизматчилар, талабалар, ўқувчилар ва шу каби-ларга хизмат кўрсатадиган ошхоналарда ҳисоб-китоб якка тартибдаги ёки гуруҳ або-нементлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

15. Умумий овқатланиш субъекти таомлар, маҳсулотлар, ичимликларнинг ассорти-мент рўйхатини санитария ва технология талабларига тўлиқ риоя қилишни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда тузади ва таомлар рецептураларини тасдиқлайди, улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхат-дан ўтказилади. Калькуляция карточкаси маҳсулот нархини белгилаш учун асос ҳисобланмайди, у фақат савдо объектлари эгалари томонидан ички фойдаланиш учун хизмат қилади. Калькуляция карточкасини юритиш мажбурий эмас. Маҳсулот нар-хи унга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

16. Кулинария ва ярим тайёр маҳсулотлар дўконларида, буфетларда сотиладиган барча товарлар ва маҳсулотларда товар ва маҳсулотнинг номи, унинг сорти, ўлчови, оғирлиги ёки упаковкаси бирлиги нархлари кўрсатилган, ягона намунадаги ва аниқ расмийлаштирилган нархномалар бўлиши керак.

17. Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган мактаблар, ўқув юртлари, коллежлари, билим юртлари, олий ўқув юртларига хизмат кўрсатиш бўйи-ча умумий овқатланишни ташкил этишни амалга оширувчи субъектларга бинолар берадиган давлат ташкилотлари, муассасалари ва ташкилотлари ижара ҳақи, иситиш, иссиқлик ва электр энергияси ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун ҳақ олишмай-ди.

18. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, умумий овқатланиш корхоналари истеъмолчига унга сотилган таомлар, кулинария маҳсулотлари, товарларнинг ўлчами ва оғирлигини, шунингдек сотилаётган маҳсулотнинг (хизматнинг) норматив-ҳужжат-лар талабларига мувофиқлигини текшириш имкониятини яратиши керак. Якка тар-тибдаги меҳнат фаолияти тартибида умумий овқатланиш маҳсулотини тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи шахслар истеъмолчининг илтимосига кўра унга савдо қилишга ва кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сотишга рухсатномани кўрсатиши ке-рак.

Кулинария маҳсулоти (кўрсатилаётган хизматлар) сифатида камчиликлар, кам тортишлар ёки ҳисоб-китобдан уриб қолишлар аниқланган тақдирда умумий овқат-ланиш корхонаси раҳбарияти ва ходимлари истеъмолчининг танлашига кўра:

белгиланган камчиликларни бепул бартараф этиши;

кулинария маҳсулоти (хизматлар) учун тўлов миқдорини камайтириши;

қўшимча ҳақ тўлатмасдан худди шундай таомни, кулинария маҳсулотини тайёр-лаши (хизматни такроран бажариши);

истеъмолчининг сифатсиз кулинария маҳсулоти сотиб олиш (хизматларни бажариш) билан боғлиқ харажатларини тўлиқ қайтариши;

етказилган маънавий зарарни қоплаши шарт.

19. Хизмат кўрсатишга олдиндан берилган буюртмани бажариш муддатлари бузилганда, кўрсатилаётган хизматда камчиликлар аниқланганда истеъмолчи ўз танловига кўра:

умумий овқатланиш субъектига хизматлар кўрсатишни бошлаши ва (ёки) тугаллаши керак бўлган янги муддатни тайинлашга ва кўрсатилаётган хизмат нархини камайтиришни талаб қилишга;

кўрсатилаётган хизмат нархини камайтиришни талаб қилишга;

истеъмолчи тайинлаган мақбул муддатда камчиликларни бепул бартараф этишни ёки зарур сифатдаги ана шундай умумий овқатланиш маҳсулотини тайёрлашни ёки уни бошқа маҳсулотлар билан алмаштиришни талаб қилишга;

кўрсатиладиган хизматлардан воз кечишга ҳақлидир.

Истеъмолчи шунингдек хизматлар кўрсатишни бошлаш ва (ёки) тугаллаш муддатлари бузилиши сабабли ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Етказилган зарар истеъмолчининг тегишли талабларини қондириш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қопланади.

Умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект хизмат кўрсатиш муддатларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида ёки истеъмолчининг айби билан содир бўлганлигини исботлаган тақдирда истеъмолчининг талаблари қондирилмайди.

20. Умумий овқатланиш савдо объектларидаги хизмат кўрсатиш жараёнида тайёр маҳсулотлар ва харид қилинган товарлар, шу жумладан алкогольли ичимликлар истеъмолчининг хоҳишига кўра тегишли идишда ва ўровда олиб чиқиб кетилиши мумкин.

21. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, умумий овқатланиш корхоналарида вино-ароқ маҳсулотларини сотиш тасдиқланган дислокацияга мувофиқ, жойлардаги ҳокимликлар томонидан бериладиган махсус рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

22. Истеъмолчи умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектга амалда қилинган харажатларни тўлаган тақдирда ўзи буюртма берган хизматлардан исталган вақтда воз кечиши мумкин.

23. Ишлаб чиқариш жараёнида таомлар уларни сотиш санитария қоидаларида белгиланган муддатларга қатъий мувофиқ ҳолда сотиш мумкин бўлган партияларда тайёрланиши керак. Олдинги кундан қолган гўшт, майдаланган балиқ маҳсулотлари, макаронлар, қайла, ёрма маҳсулотлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

24. Умумий овқатланиш маҳсулотларини махсус ажратилган жойларда сотиш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

II. Ушбу Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш

25. Ушбу Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Назорат органлари (муассасалари) ушбу Қоидаларга риоя этилишини текширишга мутахассисларни, истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этиши мумкин. Савдо корхоналари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар текширувчи шахсларга текширишларни ўтказишда ва камчиликлар ва қоида бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўришда кўмаклашиши керак.

III. Савдо қоидалари бузилиши турлари

26. Ушбу Қоидаларни бузганлик қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноий кодексига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади:

нархларни асосиз равишда ошириш;
товарлар, маҳсулотларни нотўғри ўлчаш, нотўғри тортиш ёки хизматлар кўрсатмаслик;
ходимнинг касса чеки, квитанция, счётлар беришдан бош тортиши;
харидорга товарнинг, маҳсулотнинг миқдори, вазнини текшириш имконияти яратишдан бош тортиш;
носоз ёки тамғаланмаган тортиш ва ўлчаш приборларидан фойдаланиш;
қўйидагиларга:
назорат-касса машиналарини қўллаш тартибига;
алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш тартибига риоя қилмаслик;

қўйидагиларни:
сифатсиз товарларни, кулинария буюмларини ва атайин ностандарт маҳсулотларни сотиш, шунингдек харидорга сотилган сифатсиз товарни, маҳсулотни алмаштириб беришни ёки пулларни қайтаришдан бош тортиш;
товарларни, маҳсулотларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ёки сертификацияланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотиш;

ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида тайёрловчининг номи ва жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган товарларни сотиш;
яроқлилиқ муддати ўтган товарларни сотиш;

27. Шунингдек жавобгарлик қўйидаги ҳолларда:
товарнинг ёнма-ён туришига риоя қилинмаганда ва товарларнинг сақлаш шароитлари бузилганда;

овқатни истеъмол қилиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлмаганда;
корхонанинг номи, унинг иш режими тўғрисидаги маълумотлар бўлмаганда, харидорга ушбу Қоидаларда назарда тутилган маълумотларни беришдан бош тортганда;
корхонанинг иш режимига риоя қилинмаганда;

товарларда, маҳсулотларда нархномалар бўлмаганда ёки атайин нотўғри расмийлаштирилган нархномалар қўйилганда;

рухсат берилмаган анжом қўлланилганда ҳам пайдо бўлади.

Стандартлар талабларига, техник шартларга жавоб бермайдиган товарларни, маҳсулотларни сотиш ҳамда маҳаллий йиғимларни тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик қўйидагиларга олиб келади:

1) қоида биринчи марта бузилганда — корхона фаолиятини рухсатномани олиб қўйиш йўли билан 1 ой муддатга тўхтатиб қўйиш;

2) кейинги гал қоида бузилишида — рухсатнома бекор қилинади ва кейинчалик тикланмайди.

Рухсатномани олиб қўйиш ва бекор қилиш, шунингдек унинг риоя қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш уларни беришга ваколатли бўлган орган томонидан, ушбу Қоидаларга риоя қилинишини текшириш далолатномаси асосида ёки ваколатли давлат органларининг тақдимномалари асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. Айнан битта қоида бузилиши учун бир нечта санкциялар қўлланишига йўл қўйилмайди.

Рухсатнома олиб қўйилгандан ёки бекор қилингандан, шунингдек унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилгандан ва тўхтатилгандан кейин солиқ инспекцияси томонидан назорат текшириш фақат хўжалик юритувчи субъектнинг савдо фаолиятини амалга ошириши фактини аниқлаш ҳамда унга нисбатан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмасдан чоралар кўриш бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификациялаш тўғрисида»ги қонунлар моддалари ва ушбу Қоидалар талаблари бузилганлиги жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чаканалаб сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 14 июлдаги 355-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 23-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чакана сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 485-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 36-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чакана сотиш қоидаларига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 2 февралдаги 51-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 2-сон, 5-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 июндаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 6-сон, 21-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мева-сабзавот товарларини чакана сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 4 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 1-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорига 5-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чаканалаб сотиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 14 июндаги 230-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 30-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 октябрдаги 412-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 30-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 22 октябрдаги 363-сон қарорининг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

28 **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини тўлароқ шакллантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарори билан тасдиқланган Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартиби 5-бандининг тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Солиқ тўловчи фермер хўжалиklари Жамғармага тўланиши керак бўлган маблағларни ягона ер солиғи тўлаш учун белгиланган тартибда ва муддатларда тўлайдилар. Улар давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадиган ягона ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларда Жамғармага бадал сифатида тўланиши керак бўлган 2,5 фоиз миқдоридagi маблағлар алоҳида сатрда акс эттирилади. Фермер хўжалиklари ягона ер солиғи жами суммасини битта тўлов топшириқномаси билан махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Юридик шахс ҳисобланадиган солиқ тўловчи дехқон хўжалиklари ер солиғини фермер хўжалиklари каби, маблағларни битта тўлов топшириқномаси билан махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда тўлайдилар.

Юридик шахс ҳисобланмайдиган солиқ тўловчи дехқон хўжалиklари ўзлари эгаллаб турган ер участкалари учун ер солиғини ва Жамғармага ажратмаларни давлат солиқ хизмати органлари томонидан, махсус транзит ҳисоб рақами кўрсатилган ҳолда ёзиладиган тўлов билдиришномалари асосида тўлайдилар.

Махсус транзит ҳисоб рақамига тушган ер солиғи ва ягона ер солиғи суммасининг бир қисми (ер солиғининг 5 фоизи ва ягона ер солиғининг 2,5 фоизи) белгиланган нормаларга мувофиқ Жамғарманинги тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилади».

2. Дехқон хўжалиklаридан ундириладиган ер солиғи ҳамда фермер хўжалиklаридан ундириладиган ягона ер солиғи тушумларидан Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмаларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тегишли равишда дехқон ва фермер хўжалиklари томонидан тўланадиган ер ва ягона ер солиқларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибига тааллуқли норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 13 февраль,
76-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 февралдаги 76-сон қарорига
ИЛОВА

**Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғи ҳамда
фермер хўжаликларидан ундириладиган ягона ер солиғи
тушумларидан Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-
қувватлаш жамғармасига ажратмаларни амалга ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон ва фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва дехқон хўжаликларидан (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) ундириладиган ер солиғи тушумларидан ҳамда фермер хўжаликларидан ундириладиган ягона ер солиғи тушумларидан Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ажратмаларни амалга ошириш тартибини тартибга солади.

2. Ер ва ягона ер солиғини (тўловчилар томонидан) ҳисоблаб чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

**II. Юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган
деҳқон хўжалиklари томонидан тўланадиган ер солиғини ўтказиш
ва тақсимлаш**

3. Дехқон хўжалиklари (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) томонидан тўланган ер солиғи ҳисоблаб чиқарилган суммада (100%) «Ер ва ягона ер солиқлари бўйича республика бюджети даромадлари»нинг 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига ушбу солиқлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги ерлари учун (юридик шахс бўлган дехқон хўжалиklари учун) ва жисмоний шахслардан (юридик шахс бўлмаган дехқон хўжалиklари учун) ер солиғи тўлаш учун Давлат бюджети даромадлари бюджет классификациясига мувофиқ алоҳида белгиланадиган тегишли бўлимлар ва параграфларга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақамлари билан ўтказилади.

4. Дехқон хўжалиklари (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) томонидан ер солиғи тўловидан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига (тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан) тушган маблағнинг 5% миқдоридagi қисми дастурли йўл билан автоматик равишда Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. Сумманинг ажратилгандан кейин қолган қисми (95 фоизи — ҳисоблашда 100 фоиз деб қабул қилинади) дастурли йўл билан автоматик режимда бўлинади ва 23402-сон баланс ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар учун ундирилган ер солиғи тушумларини ҳисоблаш учун жорий этилган бўлим ва параграфга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан, ёзиб қўйиш ва кейинчалик ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар нормативларига биноан тегишли бюджетлар ҳисоб рақамларига ажратиш учун ўтказилади.

III. Фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ягона ер солиғини ўтказиш ва тақсимлаш

6. Фермер хўжаликлари томонидан тўланган ягона ер солиғи ҳисоблаб чиқарилган суммада (100%) «Ер ва ягона ер солиқлари бўйича республика бюджети даромадлари»нинг 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ягона ер солиғи тушумларини ҳисобга олиш учун жорий этилган Давлат бюджети даромадлари бюджет классификацияси бўлими ва параграфига мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан ўтказилади.

7. Фермер хўжаликлари томонидан ягона ер солиғи тўловидан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига (тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан) тушган маблағнинг 2,5% миқдордаги қисми дастурли йўл билан автоматик режимда Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Фермер хўжалиқларига уларнинг ягона ер солиғини траншлар бўйича тўлаши учун маблағлар суммасини йўналтириш ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

8. Сумманинг ажратилгандан кейин қолган қисми (97,5 фоизи — ҳисоблашда 100 фоиз деб қабул қилинади) дастурли йўл билан автоматик режимда бўлинади ва 23402-сон баланс ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар учун ундирилган ягона ер солиғи тушумларини ҳисоблаш учун жорий этилган бўлим ва параграфга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан, ёзиб қўйиш ва кейинчалик ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар нормативларига биноан тегишли бюджетлар ҳисоб рақамларига ажратиш учун ўтказилади.

IV. Ҳисобга олиш ва назорат

9. Республика бюджети даромадида тўланган ер ва ягона ер солиқлари суммасининг тўғри тақсимланиши ва Жамғармага ажратмаларнинг тўғрилигини назорат қилиш жойлардаги тижорат банкларининг тегишли муассасаларига юкланади.

10. Жойлардаги солиқ органлари деҳқон хўжаликлари томонидан тўланадиган ер солиғидан Жамғармага маблағни тўғри ажратиш мақсадида ер солиғи тўлови бўйича тўлов билдиришномалари ва квитанцияларига «деҳқон хўжалиги» деб ёзиб қўйишади. Ер солиғи суммаси участка инспекторлари томонидан олинган тақдирда деҳқон хўжаликлари томонидан тўланган ер солиғи суммаси банк муассасасига алоҳида ведомость бўйича топширилади.

11. Солиқ органларининг «1-Н» шакли бўйича ҳар ойдаги ҳисоботларида фақат ер ва ягона ер солиқларининг бўлиниш натижасида 23402-сон баланс ҳисоб рақамига ҳақиқий тушган суммаси акс эттирилади.

12. Жойлардаги молия органлари бухгалтериялари ойлик (шифрли), чораклик ва йиллик ҳисоботларда фақат маҳаллий бюджетлар ҳисоб рақамларига 23402-сон баланс ҳисоб рақамлари орқали ҳақиқий тушган суммани акс эттиришади.

13. Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига тушган ер ва ягона ер солиғи суммаси Жамғарманинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

14. Жамғарма тегишли равишда деҳқон ва фермер хўжалиқларидан ундириладиган (5% ва 2,5%) ер солиғи ва ягона ер солиғи тушумларини, кейинчалик ҳисобкитоб рақамига ўтказиш учун, автоном режимда бўлиш имконини берадиган тижорат банклари учун махсус дастур харажатларини қоплайди.

V. Жавобгарлик

15. Деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ер ва ягона ер солиқлари белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда солиқ органлари томонидан инкасса топширикномалари юборилади. Бунда ундириладиган солиқлар (деҳқон хўжаликларидан 5 фоизни ва фермер хўжаликларидан 2,5 фоизни қўшган ҳолда) жами суммасига ёзилган пеня ҳисобга олинади, ушбу суммалар дастурли йўл билан автоматик режимда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун, сўнгра эса тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан дастурли йўл билан автоматик режимда 23402-сон ҳисоб рақамига бўлиш учун тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

